БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 232 (17.514). • 9 октябрь 1979 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

СССР — ГДР ДЎСТЛИГИ АБАДИЙ

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИЙ БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ, ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ

Ўртоқ Пётр ЯРОШЕВИЧга

Азиз ўртоқ Петр Ярошевич.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети Сизни, Польша Халқ Республикасининг таниқли давлат ва партия арбобини етмиш ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий муборакбод қилади.

Польша Халқ Республикасини тиклаш ва ривожлантиришда, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш ва ҳар тарафлама ҳамкорликни кенгайтиришда шахсан катта хизмат қилганингизни Совет Иттифоқида яхши билишади.

Азиз ўртоқ Ярошевич, Сизга сиҳат-саломатлик, поляк халқининг бахт-саодати йўлидаги, социализм тантанаси йўлидаги фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ А. КОСИГИН

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ПБИП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИЙ БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ, ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ ПЕТР ЯРОШЕВИЧНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Польша Халқ Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлигини назарда тутиб ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Петр **Ярошевич Халқлар дўстлиги** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1979 йил 5 октябрь.

МАМЛАКАТГА КЎПРОҚ ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРАЙЛИК

Пахтазорлар оппоқ момиқ билан қопланган. «Зангори кема»лар белоён далаларда сузиб юрибди. Водийлар ва воҳалар йўлларида хом ашё ортилган карвонлар ўтиб бормоқда. Тайёрлов пунктларида оппоқ хирмонлар қад ростламоқда. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон жанубидаги колхоз ва совхозларда йиғим-терим қизғин.

Ҳосил осонликча етиштирилмаслигини пахтакор азалдан билади. Бу йил эса, айниқса, катта қийинчилик билан етиштирилди. Ёғингарчилик бир қанча районларда бу экинни қайта-қайта экишга мажбур қилди. Ниҳолларнинг қад ростлаши амри маҳолдек эди. Лекин деҳқонининг қадоқ қўллари билан ардоқланган ҳар туп ғўза зўр парвариш эвазига мўл ҳосил тўплади. Пахтанинг етилиши кечикиб кетган бўлса ҳам, кўпчилик майдонларда кўсаклар салмоқли бўлди. Ўзбекистон колхозчилари, совхозларнинг ходимлари давлатга 5,7 миллион тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдилар, бошқа пахтакор республикаларнинг меҳнаткашлари ҳам юксак марраларни белгиладилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар. Ўзбекистонлик дала миришкорлари ҳозирнинг ўзидаёқ Ватанга деярли икки миллион тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Озарбайжон хўжаликлари 680 минг тонна пахта топширди.

Ҳозир қишлоқда ҳосил йиғим-терими суръатини кучайтиришдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Бунинг учун қулай имкониятлар бор. Машиналар парки жиддий равишда тўлдирилди. Колхозлар ва совхозларда 50 мингдан ортиқ пахта териш комбайнлари бор. Механизаторлар сафи кенгайиб, маҳорати ошди. Дала ишларини ташкил этишнинг ипатоволиклар методи изчиллик билан оммалаштирилмоқда. Хўжаликларда минглаб терим-транспорт отрядлари ишлаб турибди. Ўзбекистон далаларидаги бундай отрядларнинг ўзи 3 мингтадан ортиб кетди. Кўпчилик областларда пахта ҳосилини тайёрлаш ва қайта ишлашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида барвақт ғамхўрлик қилинди, транспорт қатнови маршрутлари, маҳсулотни қабул қилиб олиш графиклари маромига келтирилди.

Пахтани машинада териш фронтини жиддий равишда кенгайтириш, ҳар бир комбайннинг иш унумини кескин ошириш учун ҳамма зарур шарт-шароит мавжуд. Бу йилги мураккаб шароитда бу вазифани тўғри ҳал этишда Тошкент областининг Ғалаба райони деҳқонлари намуна кўрсатмоқдалар. Улар ҳосилнинг 95 процентини машиналар билан териб олиш, ҳар гектар ердан камида 40 центнердан ҳосил олиб, давлатга 61 минг тонна «оқ олтин» сотишмоқчи.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пахтакорлар ташаббусини маъқуллаб, область, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ғалабаликларнинг қимматли тажрибасидан кенг фойдаланиш вазифасини юклади. Ташаббус кенг қанот ёзди. Масалан, Жиззах области механизаторлари теримни ташкил этишнинг прогрессив формасини жорий этиб, комбайнлар билан ҳосилнинг 85 процентини териб олиш ва пахта сотиш планини 25 октябргача бажаришга аҳд қилдилар. Фақат Ўзбекистондаги эмас, балки Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистондаги илғор хўжаликларда ҳам машина терими даражасини 90—95 процентга етказиш кўзда тутилмоқда.

Ҳар бир кун пахтазорларда ажойиб меҳнат намуналари тўғрисида хушхабарлар келтиряпти. Ўнлаб механизаторлар меҳнатни ташкил этишнинг ва ишлаб чиқаришнинг прогрессив формаларини қўлланиб, рекорд иш унумига эришмоқдалар. Сурхондарё область Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз механик-ҳайдовчиси Х. Рустамовнинг бир кунлик иш унуми 25 тоннага етди. «Пограничник» совхозидан П. Шукуровнинг кўрсаткичи бундан ҳам юқори бўлди. Бошқа республикаларнинг «оқ олтин» миришкорлари ҳам яхши натижага эришдилар. Улар орасида Ашхобод область Тажан районидаги «Победа» колхозидан К. Аширов, Ленинобод область, Матчоҳ районидаги Куйбишев номли колхозидан К. Маҳмудова ҳамда уларнинг юзлаб касбдошлари бор. Теримчилар орасида ҳам зарбдорлар оз эмас. Бухоро, Андижон, Хисор воднийсининг чевар теримчилари ҳар куни 150—200 килограммдан пахта теріб бермоқдалар. Кўпгина районларда пахта тайёрлаш суръати кескин ошди. Масалан, Қорақалпоғистонда қабул пунктларига ҳар куни пахта тайёрлаш планининг тўрт процентидан эзиёдроқ миқдорида хом ашё келтирилмоқда.

Бироқ ҳамма жойда ҳам терим суръати юксак эмас. Комбайнларнинг бир қисми бекор турибқолмоқда, уларнинг самарали фойдаланилмаяпти. Масалан, Кўлоб ва Чоржўй областларининг бир қанча районларида агрегатларнинг деярли ярми умуман далага чиқарилмаган. Партия ва хўжалик органлари бундай аҳволга барҳам бериб, ҳамма техника ўз вақтида ишга туширилиши ва улардан самарали фойдаланилишига эришишлари керак. Бу эса пахта териш ва тайёрлаш суръатини тезлаштиради.

Пахта сифати тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқ керак. Колхоз ва совхозларнинг меҳнаткашлари саноатга юқори нав хом ашё етказиб беришга интилмоқдалар. Лекин далалардан нам ва яхши тозаланмаган пахтани келтириш ҳоллари ҳам оз эмас, аъло нав пахта ўртача навли пахтага аралаштириб юборилмоқда. Бу ишни тўғри йўлга қўйиш кўп жиҳатдан тайёрловчиларга боғлиқдир. Қабул пунктларининг бир қисмида пахтани қуритадиган ва тозалайдиган машиналар ҳали ҳам бекор турибди, хирмонлар асфальт қилинмаган, атрофи яхши ўралмаган. Йўлларнинг аҳволи ҳам яхши эмас. Маҳаллий партия ва совет органлари бундай фактларга эътибор бермасликлари мумкин эмас. Терим шароити нақадар мураккаб бўлмасин, маҳсулот сифатини яхшилаш масалалари ҳамиша коммунистларнинг диққат марказида бўлмоғи керак. Пахта териш ва тайёрлаш технологиясига ғиқ риоя қилинишини таъминлаш, мусобақада пировард юқори натижа учун курашда деҳқонлар билан қайта ишлаш саноати корхоналари ходимларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган ямполиклар методидан активроқ фойдаланиш, маънавий ва моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш керак.

Пахтакор районларнинг қишлоқ партия ташкилотлари масъулияти жуда катта. Ҳозирги вақтда энг муҳим иш — пахтакорларнинг юксак унум учун, хом ашёнинг яхши сифатли бўлиши учун курашига бошчилик қилишдир. Шахсий ибрат кўрсатиш — коммунистларнинг шон-шараф ишидир. Зарбдор меҳнат намунасини кўрсатиш билан бирга, илғор тажрибаларни самаралироқ ёйиш, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлиш лозим. Одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия ташкилотларининг биринчи навбатдаги иши, албатта. Ҳозир миллионлаб деҳқонлар, шаҳар ва саноат марказларидан келган ҳашарчилар пахтазорда меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг унумли ишлашлари, ишдан ўзиб яхши дам олишлари учун шароит яратиб бериш партия ва совет органларининг, касаба союз ва хўжалик раҳбарларининг муҳим вазифасидир.

Халқимиз пахтакор республикаларнинг колхоз ва совхозлари меҳнатчилари ўзларининг шарафли бурчларини бажариб, Ватанга кўпроқ юқори сифатли қимматли маҳсулот етказиб беришига ишонади.

(«ПРАВДА»нинг 8 октябрдаги бош мақоласи).

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

БЕРЛИН, 8 октябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). ГДР пойтахтининг аҳолиси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясини қардошларча шод-хуррамлик ва сидқидиллик билан кутиб олди. Делегация ГДР ташкил этилганлигининг ўттиз йиллиги муносабати билан расмий дўстона визит билан меҳмон бўлиб турди. Бугун берлинликлар Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни ватанига самимий кузатиб қўйдилар.

СССР ва ГДР давлат байроқлари, табрик транспарантлари билан безатилган Шенефельд аэродромида азиз совет меҳмонларига оқ йўл тилаб қолмоқ учун меҳнаткашларнинг минглаб вакиллари йиғилдилар.

Артиллерия салютининг садолари янгради, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикасининг давлат гимнлари ижро этилди. Л. И. Брежнев ва Э. Хонеккер ўртоқлар фахрий қоровул сафлари олдидан ўтадилар.

Леонид Ильич Брежнев, делегация аъзолари А. А. Громико, К. У. Черненко, Н.А. Тихонов, К. В. Русаков Эрих Хонеккер билан, ГДРнинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари, Берлин меҳнаткашларининг вакиллари билан самимий хайрлашадилар.

Совет делегациясини ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. Аксен, И. Герман, Г. Гофман, Г. Грюнеберг, Х. Зиндерман, В. Кроликовский, Э. Мильке, Г. Миттаг, Э. Мюккенбергер, К. Науман, А. Нойман, А. Норден, Г. Тиш, В. Фельфе, П. Фернер, К. Хагер, В. Штоф, Ф. Эберт, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар В. Вальде, Х. Долус, Г. Клайбер, Э. Кренц, И. Ланге, М. Мюллер, Г. Шюрер, В. Яровинский, ГДР Миллий фронти Миллий кенгашининг раҳбарлари, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг аъзолари, жамоат ташкилотларининг вакиллари кузатиб қолдилар.

Кузатиш маросимида КПСС Марказий Комитетининг аъзолари — СССРнинг ГДРдаги элчиси П. А. Абрасимов ва Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондони, армия генерали Е. Ф. Ивановский, СССР элчихонасининг, ГДРдаги бошқа совет муассасаларининг ходимлари иштирок этдилар.

«ИЛ-62» ҳаво лайнери Москва томон йўл олди.

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси 8 октябрь куни Берлиндан Москвага қайтиб келди. Делегация ГДР ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан ГБСП Марказий Комитети, ГДР Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг таклифига биноан Германия Демократик Республикасида расмий дўстлик визити билан меҳмон бўлди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ГДРдаги элчиси П. А. Абрасимов бор эди.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, М. С. Горбачев, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Б. П. Бугаев, А. Ф. Ватченко, Г. С. Павлов, Н. М. Пегов, Г. Э. Цуканов, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитети аъзоликига кандидатлар М. П. Георгадзе, С. К. Цвигун, Г. К. Цинев, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси К. М. Боголюбов, СССР министрларининг биринчи ўринбосарлари Ю. Л. Брежнев, Г. М. Корниенко, ТАССнинг бош директори С. А. Лосев, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида ГДРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили В. Грабовски, элчихонанинг дипломатия ходимлари бор эди.

КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитети ишлар мудирининг ўринбосари М. Е. Могилевец делегация билан келдилар.

(ТАСС).

СССР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛГАН РАСМИЙ ДЎСТОНА ВИЗИТИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ҚЎШМА АХБОРОТ

ГБСП Марказий Комитети, ГДР Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси республика ташкил этилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан 1979 йил 4 октябрдан 8 октябргача Германия Демократик Республикасида расмий дўстона визит билан меҳмон бўлиб турди. Делегация самимий кутиб олинди. Бу эса СССР билан ГДР халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини ифода этади.

Совет делегацияси ГБСП Марказий Комитети, ГДР Давлат Кенгаши, Министрлар Совети ва Миллий фронт Миллий кенгашининг Республика саройида ўтказилган тантанали мажлисида иштирок этди, Миллий халқ армиясининг байрам парадида ва бошқа юбилей тадбирларида ҳозир бўлди.

Л. И. Брежнев ва партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари немис революцион ҳаракати атоқли арбобларининг ёдгорлиги пойига, Европа халқларини фашизмдан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари монументига, фашизм ва милитаризм қурбонлари ёдгорлигига гулчамбарлар қўйишди.

Визит вақтида 1990 йилгача бўлган даврда СССР билан ГДР ўртасида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш программаси имзоланди. Бу программа иккала мамлакатнинг олис истиқболдаги иқтисодий ҳамкорлигининг бош йўналишларини белгилаб беради.

Л. И. Брежнев ва совет делегацияси аъзолари билан ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер ва ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокараларда:

Совет томонидан — совет делегациясининг аъзолари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ГДРдаги элчиси П. А. Абрасимов, шунингдек КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Г. Х. Шахназаров, СССР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири А. П. Бондаренко;

ГДР томонидан — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари — Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, Халқ палатасининг раиси Х. Зиндерман, Г. Аксен, Ф. Эберт, В. Фельфе, Г. Грюнеберг, К. Хагер, И. Герман, Г. Гофман, В. Кроликовский, Э. Мильке, Г. Миттаг, Э. Мюккенбергер, К. Науман, А. Нойман, А. Норден, Г. Тиш, П. Фернер, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар — Х. Долус, В. Яровинский, Г. Клайбер, Э. Кренц, И. Ланге, М. Мюллер, Г. Шюрер, В. Вальде, ГБСП Марказий Комитетининг аъзолари — ташқи ишлар министри О. Фишер, ГДРнинг СССРдаги элчиси Г. Отт, ГБСП Марказий Комитетининг бўлим мудири Э. Винкельман, ГБСП Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари Б. Малов, ГДР Ташқи ишлар министрлигининг бўлим мудири Г. Цибарт иштирок этдилар.

I.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати, бутун совет халқи номидан ГБСП Марказий Комитети, ГДР Давлат Кенгаши, Министрлар Совети ва бутун халқини биринчи ишчи-деҳқон немис давлати ташкил этилганлигининг ўттиз йиллиги билан самимий табриклади.

ГДР ўзининг ўттиз йиллигини ривожланган социалистик жамият қурилишининг барча соҳаларида, ГБСП IX съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Юксак самарали социалистик экономика вужудга келтирилди ва у ўзининг самарадорлигини муттасил оширмоқда. Социализмнинг мустаҳкам сиёсий системаси барпо этилди ва у такомиллашиб бормоқда. Республикада амалга оширилган катта социал ўзгартишлар меҳнаткашларнинг манфаатларига, уларнинг моддий ва маънавий фаровонлигига бўйсундирилган.

ГДР — социалистик ҳамдўстликнинг ажралмас таркибий қисмидир. Социалистик немис давлати халқларнинг қардошлик оиласини мустаҳкамлашга, уларнинг кўп томонлама ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Республика ўттиз йил мобайнида халқлар тинчлиги ва дўстлиги ғояларини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келмоқда. Европада стабиллик омили бўлмиш республика халқаро майдонда зўр обрў-эътиборга сазовор бўлмоқда.

ГДРнинг барча муваффақиятлари Германия Бирлашган социалистик партиясининг марксча-ленинча сиёсати билан чамбарчас боғлангандир. Германия Бирлашган социалистик партияси республика ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари ва халқ зиёлилари ўртасида мустаҳкам обрў-эътибор қозониб, уларнинг ишончига сазовор бўлди, жамиятнинг ҳамма эътироф этган раҳбар кучига айланди. ГБСПнинг тажрибаси социализм қурилиши назарияси ва практикасига қўшилган қимматли ҳиссадир.

Э. Хонеккер ГБСП Марказий Комитети, ГДР Давлат Кенгаши, Министрлар Совети, бутун халқининг яқдил фикрини изоҳ этиб, қардош совет халқининг коммунизм қуришишда эришган улкан ютуқларини қайд этиб ўтди. Бу ютуқлар Германия Демократик Республикасида чуқур хайрихоҳлик туйғуларини уйғотмоқда ва руҳлантирмоқда. Совет халқи КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажара бориб, реал социализмни мустаҳкамлашга ва унинг жаҳондаги ишларнинг боришига самарали таъсирини кучайтиришга ҳал қилувчи даражада ёрдам бермоқда. КПССнинг изчил интернационалистик сиёсати тинчликни ҳимоя қилишда, социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашда ғоят катта роль ўйнамоқда, халқларнинг ўз миллий ва социал озодлиги йўлида олиб бораётган курашида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишга ёрдам бермоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

АРАБ СОЦИАЛИСТИК УЙҒОНИШ ПАРТИЯСИ БОШ СЕКРЕТАРИ, СУРИЯ АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ҳ. АСАДНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

КПСС Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Араб социалистик Уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикаси Президенти Ҳафиз Асад расмий дўстона визит билан шу йил октябрь ойининг иккинчи ярмида Совет Иттифоқига келади.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ОШИРАЙЛИК

ОЛТИН ҚЎЛЛАР ЖАСОРАТИ

Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Германия Демократик Республикасининг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Улар барча совет кишилари сингари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли амалга ошириб, тинчлик ишини ўзларининг зарбдор меҳнатлари билан мустаҳкамлашга интилмоқдалар.

Утган куни эл хирмонига 126153 тонна, шу жумладан 5492 тонна ингичка толали пахта армуғон этилди. Сирдарё ва Тошкент областларида бир кунда йиллик планнинг 3,5 процентидан ортиқроқ миқдорда пахта тайёрланишига эришилди. Қорақалпоғистон АССР ва Жиззах областида ҳам терим юқори суръатларда олиб бориляпти. Бироқ, Самарқанд ва Фарғона областларида терим суръати ҳамон сустлигича қолмоқда.

Пахтакор ўртоқлар! Ватанга 5 миллион 700 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун барча имкониятларни сафарбар этайлик.

Ҳамма жойда терим суръатини ошрайлик ва пахта исрофгарчилигининг олдини олайлик.

МАШИНА ТЕРИМИ — ИШ УНУМИ

Пахта йиғим-теримида механизаторлар кун сайин ғайрат кўрсатишмоқда. Ўтган куни Сурхондарё области пахтазорларида 1825 та «зангори кема» ишлатилди.

Гагарин районидаги Абдулла Набиев номли ва «Пограничник» совхозларида, Шўрчи районидаги Чкалов номли, Термиз районидаги «Коммунизм» ва Денов районидаги Охунбобоев номли колхозларда ҳар бир машина билан кунига ўртача 4,5 тоннадан пахта терилмоқда. Гагарин районидаги мавжуд терим техникасининг ҳаммаси пахтазорларда ишлатиляпти.

Афсуски, барча район ва хўжаликларда ҳам иш шундай ташкил этилмаётир. Чунончи, Жарқўрғон ва Қумқўрғон районлари деҳқонлари теримда сусткашликка йўл қўйишмоқда. Улар мавжуд терим техникасининг ярмидан кўпроғини ҳанузгача пахтазорларга олиб чиққанлари йўқ. Бир неча марта ҳаққоний танқид қилинганлигига қарамай Шўрчи районидаги «Ширин» ва Шеробод районидаги «Гулистон» хўжаликлари теримда ортда қолишяпти. Бу эса район ва область кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

ПЕШҚАДАМЛАР

Ўтган куни Қорақалпоғистон АССРда кучли ёмғир ёғиб ўтди. Автоном республика пахтакорлари об-ҳаво ноқулайликларига қарамай пахта теримини жадал давом эттирмоқдалар.

Элликқалъалик чўлқуварлар ҳар йилдагидек бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Улар ипатоволиклар усулини кенг миқёсда қўллаб, бир кунда ҳар бир агрегат билан 5,1 тоннагача пахта териб олишга эришмоқдалар.

Қораўзак райони пахтакорлари 11-ўриндан биринчи ўринга чиқиб олиш учун бир ҳафта вақт сарфладилар. Улар кунига йиллик планга нисбатан 5 процент миқдорида пахта тайёрламоқдалар.

Сирдарё областида 54 та пахтачилик бригадаси йиллик планни бажарди. Улар давлатга 5296 тонна хом ашё сотдилар. Мазкур бригадаларда ҳосилдорликни гектарига 30 центнерга етказиш учун кураш қизғин давом этяпти.

ТАШАББУСКОР ИШЧИЛАР

Бўш вақтларида механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курсида ўқиган Навоий кон-металлургия комбинатининг 50 нафар ишчиси оталиқларидаги «Гигант» хўжалиги далаларига чиқишди. Улар терим-транспорт отрядларида меҳнат қилиб, ҳозирга қадар 1000 тонна пахта тердилар.

Ташаббускор ишчилар 1250 гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олиш ва машиналар бункеридан 5000 тонна «оқ олтин» бўшатишга қарор қилишган. Г. Федосов, А. Горин, А. Хедиров ва бошқа ишлаб чиқариш илғорлари «зангори кема»лар штурвалида ҳам ўзларини дадил тутишмоқда.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг ооришиш тўғрисида шу йил 8 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

Қашқадарё	2,12	48,33	1,62	22,62
Бухоро	2,08	45,67	1,97	11,79
Сурхондарё	2,17	45,55	1,86	25,32
ҚҚАССР	2,90	36,99	2,35	19,00
Фарғона	1,53	32,75	0,99	4,85
Тошкент	3,57	26,52	3,41	16,01
Сирдарё	3,68	26,25	3,77	20,27
Наманган	2,12	25,68	2,57	15,57
Андижон	1,73	24,81	1,30	6,74
Хоразм	2.48	23,73	1,71	8,46
Жиззах	2,81	15,26	3,01	13,49
Самарқанд	1,17	8,75	0,37	1,20
Республика бўйича	2,24	30,18	2,03	13,41
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	2,07	38,33	2,06	19,45
Бухоро	0,94	23,45	—	—
Қашқадарё	1,13	17,95	1,13	8,07
Наманган	2,21	15,78	—	—
Республика бўйича	1,72	30,67	1,58	14,15

ҚЎШМА АХБОРОТ

СССР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА ҚИЛГАН РАСМИЙ ДЎСТОНА ВИЗИТИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Эрнст Тельман васиятларига содиқ бўлган ГБСП КПСС билан қардошларча иттифоқни доимо чуқурлаштиришни ўз сиёсатининг олий талаби деб ҳисоблайди. Музокараларнинг қатнашчилари мамнуният билан шуни қайд этдиларки, СССР билан ГДР ўртасида ўттиз йил мобайнидаги самимий дўстлик ва ҳамкорлик ўзининг ҳаётий кучини исботлади, иккала мамлакат манфаатларига, социализм ва тинчлик ишига пухта хизмат қилмоқда. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1975 йил 7 октябрда тузилган Шартнома СССР билан ГДР ўртасидаги қардошлик муносабатларининг мустаҳкам пойдевори, ана шу муносабатларни муттасил чуқурлаштиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади.

Л. И. Брежнев ва Э. Хонеккер ўртоқларнинг, СССР ва ГДР бошқа раҳбарларининг мунтазам учрашувлари сиёсий ва иқтисодий соҳадаги баҳамжиҳат ҳаракатни таъминлашда ва ҳозирги замоннинг актуал проблемаларига доир муштарак позицияларни ишлаб чиқишда жуда катта роль ўйнамоқда.

Музокараларнинг қатнашчилари иккала мамлакат ўртасида партия, давлат ва жамоат йўллари билан ўрнатилган алоқаларнинг аҳволини кўриб чиқиб ана шу алоқаларни ривожлантириш юзасидан биргаликда белгиланган программа муваффақиятли баҳарилаётганлигини таъкидладилар. СССР билан ГДР ўртасида экономика, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда ва даражаси юксалмоқда. маданият бойликларини айирбошлаш кенгаймоқда.

Ҳар иккала мамлакатда социалистик, коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишга кўмаклашувчи ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга куч-ғайрат сарфлаш тўғрисида шартлашиб олинди. Шу муносабат билан қатъий ишонч билдирилдики, ушбу визит чоғида имзоланган ҳамда 1990 йилгача СССР билан ГДР ўртасида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашни кўзда тутган программа йирик хўжалик вазифаларини биргаликда ҳал этиш учун иккала мамлакатнинг моддий ресурслари ва илмий-техникавий потенциалларини бирлаштиришда янги қадам бўлади.

Томонлар социалистик ҳамдўстликнинг қудрати ва жипслигини мустаҳкамлашга, қардош партиялар ва давлатлар баҳамжиҳат ҳаракати самарадорлигини оширишга бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклашишга азму қарор берганликларини изҳор қилдилар. СССР билан ГДР социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини бажаришда, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли тармоқ программаларини амалга оширишда актив иштирок этадилар.

Улар Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан биргаликда ана шу коллектив ташкилотни такомиллаштирадилар. Бу ташкилот социалистик мамлакатлар ташқи сиёсатини мувофиқлаштириш воситаси бўлиб, социализмни ҳимоя қилиш, халқаро муносабатларда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш манфаатларига пухта хизмат қилмоқда.

II.

Музокараларнинг қатнашчилари актуал халқаро масалаларни муҳокама қилиб, шуни таъкидладиларки, ҳозирги вазиятнинг бутун мураккаблиги ва зиддиятли эканлигига қарамай кескинликни юмшатиш жаҳон сиёсатидаги устун тенденциядир. Бу кўп жиҳатдан социалистик мамлакатларнинг актив ҳаракатлари, уларнинг халқаро иқлимни соғломлаштириш соҳасидаги изчил йўли натижасидир.

ГДР раҳбарлари шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва шахсан Л. И. Брежневнинг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС XXV съездида қабул қилинган программасини амалга ошириш соҳасидаги собитқадам фаолиятига юксак баҳо бердилар.

СССР билан ГДР бундан буён ҳам кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш, уни жаҳоннинг барча районларига ёйиш, турли социал тузумдаги давлатлар ўртасида узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун сабот билан ҳаракат қиладилар. Бундай ҳамкорлик фақат тўла тенглик, бирбирларининг ички ишларига аралашмаслик, мустақиллик ва суверенитетни ўзаро ҳурматлаш принципига қатъий риоя этиш асосидагина муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Томонлар Ғарбдаги муайян доираларнинг «Шарқдан хавф бор» деган афсона ниқоби остида халқаро сиёсатда «совуқ уруш» руҳини яна жонлантириш, урушга моддий жиҳатдан ва пропаганда йўли билан тайёргарликни кучайтириш борасидаги уринишларига бундан буён ҳам кескин зарба беришга қатъий қарор қилганликларини билдирдилар. Улар баъзи давлатларнинг кескинликни юмшатиш йўлида жиддий гов бўлиб турган гегемончилик муддаоларини ҳам қораладилар. Совет Иттифоқининг БМТ Бош Ассамблеяси XXXIV сессиясига тақдим этган «Халқаро муносабатларда гегемонизм сиёсатига йўл қўйиб бўлмаслик тўғрисида»ги таклифи муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Қуролланиш пойгасини чеклаш ва тўхтатиш, реал қуролсизланишга ўтиш ҳозирги халқаро вазиятнинг энг муҳим проблемасидир. Сиёсий кескинликнинг юмшатилишини ҳарбий соҳадаги кескинлик юмшатилиши билан тўлдириш учун самарали тадбирлар кўрилишини ҳаёт қатъиян талаб қилмоқда.

Шу муносабат билан Э. Хонеккер КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев АҚШ президенти Ж. Картер билан Венадаги учрашуви вақтида имзоланган ҳужжатлар муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади. Ҳар иккала томон умид билдириб айтдики, СҚЧ-2 шартномасининг кучга кириши стратегик қуролларни янада чеклаш ва қисқартириш йўлини очиб беради, ҳарбий кескинликни юмшатишнинг бошқа йўналишларида ҳам олға силжиш учун кучли омил бахш этади.

Ҳозирги кунда ҳамма турдаги ядро қуроллари ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва унинг запасларини бу қуролларни бутунлай тугатгунгача босқичма-босқич қисқартириш вазифаси алоҳида актуаллик касб этмоқда. Шу масала хусусида аҳдлашувга эришиш ядро уруши хавфини бартараф этиш йўлидаги муҳим қадам бўлган бўлур эди.

Томонлар Европа қитъасидаги аҳволни муҳокама қилишга катта эътибор бердилар. Кейинги йилларда Европада содир бўлган ижобий ўзгаришлар Европа давлатлари ўртасида ҳамкорликни, ҳамжиҳатликни кенгайтиришга қаратилган янги конструктив қадамлар учун қулай шароитлар вужудга келтиради. Ҳарбий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши туришни камайтириш зарурлиги тўғрисидаги масала тобора зўр куч билан Европа сиёсатининг кун тартибига қўйилмоқда.

Варшава Шартномасида қатнашуви давлатларнинг 1978 йил ноябрида қабул қилинган Москва Декларациясида, шунингдек мазкур ташкилот ташқи ишлар министрлари комитети мажлисининг 1979 йил май ойидаги Ахборотида баён қилинган таклифларнинг амалга оширилиши ана шу вазифани ҳал этишга қўшилган муҳим ҳисса бўлур эди.

Марказий Европада қўшинлар ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида Венада олиб борилган музокараларнинг истиқболлари ана шу нуқтаи назардан кўриб чиқилди. Музокараларнинг Ғарбдаги иштирокчилари ҳам унга конструктив позицияларда ёндашиб, ҳозир Европада вужудга келган кучлар мувозанатини ўз фойдаларини кўзлаб ўзгартиришга уринишларидан воз кечсалар, бу музокараларда силжиш бўлиши мумкинлигига СССР билан ГДР аминдирлар.

Ҳозирги вазиятда НАТО блокидаги мамлакатлар ишлаб чиқаётган режалар — Американинг янги ўртача ҳаракат радиусидаги ракета-ядро қуролини Ғарбий Европада жойлаштириш режалари тўғрисидаги масала гоят кескин тус олмоқда. Мана шу қуролни социалистик давлатлар территориясига мўлжал олдириш ниятида бўлмоқдалар, бу режаларни амалга ошириш учун алоҳида ғайрат кўрсатаётган АҚШ билан ГФР хатарли ўйин қилмоқдалар. Қуролланиш пойгасининг янги даврасига кескинлик юмшатилишига оғир зарба бўлиб тушиб, пировардида ядро уруши хавфини оширган бўлур эди. Ўз-ўзидан равшанки, Европадаги мавжуд ҳарбий мувозанатни бузишга уриниш иккинчи томоннинг жавоб чоралари кўришини вужудга келтирмай қолмасди.

Музокараларнинг қатнашчилари НАТО блокидаги мамлакатларга мурожаат этиб, бу ниятларидан қайтишга даъват қилмоқдалар. Воқеаларнинг хатарли тус олиб кетишини тўхтатиш ҳали ҳам кеч эмас. Аксинча, ҳозир Европа қитъасида ҳарбий қарама-қаршиликни анча бўшаштиришнинг реал имконияти бор. Бундай имконият Совет Иттифоқининг шу йил 6 октябрь куни Ўртоқ Л. И. Брежнев Берлинда сўзлаган нутқида баён этилган янги муҳим тинчлик ташаббуси билан боғланган, буни Германия Демократик Республикаси батамом маъқуллади ва қизғин қўллаб-қувватлади.

Совет Иттифоқи Ғарбий Европада ўртача олисликдаги ядровий воситалар яна жойлаштирилмаса, СССРнинг ғарбий районларида жойлаштирилган ўртача олисликдаги ядровий воситалар миқдорини ҳозирги даражага нисбатан яхши ният билан бир томонлама тартибда қисқартиришга тайёр.

Совет Иттифоқи марказий Европадаги қўшинлари сонини қисқартиришга қарор қилди. Бир йил мобайнида ГДР территориясидан 20 мингга яқин совет ҳарбий хизматчиси, минг танк ва бошқа ҳарбий техника олиб чиқиб кетилади.

Совет Иттифоқи ишончли мустаҳкамлаш ҳамда уруш чиқиш хавфини камайтириш борасида бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда қўшимча чоралар кўришга тайёр.

НАТО блокидаги мамлакатлар раҳбарларининг зиммасида тарихий масъулият турибди. Улар Совет Иттифоқининг яхши намунавий ишига конструктив қадамлар қўйиш билан жавоб бераётганларми ёки Европани қуролланиш пойгасининг янги хатарли босқичига тортишни афзал кўрадиларми — халқлар қандай жавоб бўлишини кутмоқдалар.

Томонлар Совет Иттифоқи, ПХР, ГДР ва ЧССР билан ГФР ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек 1971 йилнинг 3 сентябрида Ғарбий Берлин хусусида тўрт томонлама тузилган шартномалар муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини, улар Европадаги аҳволни соғломлаштиришга кўп жиҳатдан ёрдам берганлигини таъкидладилар. Территориал сиёсий воқеликларни тан олишга асосланган мана шу шартнома ва битимларга қатъий, оғишмай амал қилиш қитъада кескинликни юмшатишни янада мустаҳкамлаш ва яхши кўшничилик ҳамкорлигининг муҳим шартидир. СССР ва ГДР шу шартномаларни четлаб ўтишга, уларда томонларнинг қайд этилган мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлашга ҳар қандай уринишларга бундан буён ҳам қарши турадилар.

СССР ва ГДР Хитой раҳбарларининг социализм манфаатларига, халқларнинг озодлик курашига ва тинчлик ишига гоят душманликдан иборат буюк давлатчилик, гегемончилик сиёсатларига қарши қатъий курашмоқдалар. Томонлар Пекининг экспансиячилик йўлига бундан буён ҳам қатъий барҳам бериш зарурлигини таъкидладилар. Шу билан бирга улар ХХР билан тинч-тотув яшаш принциплари асосида давлатлараро нормал муносабатлар ўрнатилишига тайёр эканликларинқ таъкидладилар.

Музокараларнинг қатнашчилари Вьетнам, Лаос, Кампучия халқларининг Жануби-Шарқий Осиёда гегемончилик ва империалистик тазйиққа қарши тинчлик ва хавфсизлик учун курашида улар билан оғишмай интернационал бирдам эканликларини ўз партиялари ва давлатлари номидан изҳор қиладилар. Иккала томон Африка жанубидаги халқларнинг озодлик курашини кескин қўллаб-қувватлайди.

СССР ва ГДР сепарат битимларни рад этаётган, Яқин Шарқдаги можарони ҳар томонлама одилона бартараф этиш ва мустаҳкам тинчлик учун курашаётган араб халқлари томонида қатъий турибдилар. Бунинг учун Исроил 1967 йилда босиб олган араб ерларининг ҳаммасини оккупация қилиб туришни тўхтатмоғи, Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқлари, шу жумладан ўз давлатини тузиш ҳуқуқи ҳимоя этилмоғи ва Яқин Шарқдаги ҳамма давлатларнинг, шу жумладан Исроилнинг тинчлик шароитларида мустақил яшаш ҳуқуқи саморали суратда гарантияланмоғи зарур.

СССР ва ГДР Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги озодликка эришган давлатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз мустақиллиги ва суверенитетини ташқаридан бўладиган ҳар қандай таҳқирлардан ҳимоя этиш ҳуқуқлари тарафдоридирлар, ривожланаётган мамлакатларнинг янги мустамлакачилик эксплуатациясига ва камситишларининг ҳамма шаклларини тугатиш тўғрисидаги, халқаро иқтисодий муносабатларни одилона, тенг ҳуқуқли ва демократик асосда қайтадан қуриш тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватламоқдалар. Улар тинчлик ва тараққиёт ишига катта ҳисса қўшаётган, социалистик йўлдан бораётган давлатлар билан бирдамликларини изҳор қиладилар.

Томонлар қўшилмаслик ҳаракатига тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун, империализм, мустамлакачилик ва иркчиликка қарши курашда таъсирчан омил сифатида муҳим аҳамият бераётганликларини таъкидладилар. Улар қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг Гаванада ўтказилган VI конференцияси муваффақиятли якунларидан мамнун бўлганликларини изҳор этдилар.

III.

Музокараларнинг қатнашчилари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг масалалари юзасидан фикрлашиб, ҳаракатлар бирлигининг ўсиши ва идеологик етуклик бундай ҳаракатнинг ривожланишига хос бўлаётганлигини уқтирдилар. Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига содиқ КПСС ва ГБСП коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам изчил иш кўраверадилар, Коммунистик партиялар интернационал бирдамлигининг чуқурлашуви тинчлик, миллий мустақиллик ва социализм иши янги муваффақиятларининг гарови бўлиб қолмоқда.

Европа Коммунистик ва Ишчи партиялари Берлин конференциясининг ҳужжати ўзининг актуаллигини тўла сақлаб турибди. Икки қардош партия кескинликни юмшатиш ва ижтимоий тараққиёт учун, қуролланиш пойгасига, милитаризмга, реваншизмга ва янги фашизмга қарши курашда барча демократик кучлар билан ҳаракатлар бирлиги учун активк курашадилар.

ГДР ва СССР партия-ҳукумат делегациясининг музокаралари, учрашувлари ва суҳбатлари иккала партия ва давлатнинг муносабатларига хос анъанавий самимий ва қардошлик вазиятида ўтди. Булар муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарашлар ва сиёсий позициялар тўла бирлигини тасдиқлади.

Визит чоғида ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва ГДР Министрлар Совети Президиумининг топшириғига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Карл Маркс ордени ва ГДР Қаҳрамони Олтин юлдузини топширди. Л. И. Брежнев ГДР билан СССР ўртасида қардошлик-муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, бутун дунёда социализм ва тинчликни мустаҳкамлаш ишидаги катта хизматлари учун шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан ГДР партия-ҳукумат делегациясини расмий визит билан Совет Иттифоқига боришга таклиф этди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

ҚАРДОШЛАРЧА, САМИМИЙ ВАЗИЯТДА

БЕРЛИН, 8 октябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси ташкил топган кунининг 30 йиллиги муносабати билан ГБСП Марказий Комитети, ГДР Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегацияси, Э. Герек, Г. Гусак, Т. Живков, Я. Кадар, Ю. Цеденбал ўртоқлар бошчилигидаги партия-ҳукумат делегациялари, ГДРнинг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тантаналарда қатнашиш учун келган бошқа чет эл делегациялари ҳозир бўлдилар.

Залда ГДР раҳбарлари, немис революцион ҳаракатининг ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, таниқли олимлар, маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари бор эди.

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер қабул маросимида нутқ сўзлади.

Ўртоқ Э. ХОНЕККЕР нутқи

Чет эллик азиз меҳмонлар!

Азиз дўстлар ва ўртоқлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Биз ҳаммамиз Германия Демократик Республикасининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилган унутилмас тантаналар таассуроти остида турибмиз. Эркин халқ ўз социалистик давлатининг шонли юбилейини бутун дунёдаги қардошлари ва дўстлари билан мана шундай байрам қилади.

Социалистик мамлакатларнинг, мустақил давлатларнинг ва миллий озодлик ҳаракатларининг атоқли арбоблари иштирок этганлиги, барча қитъалардаги тинчликсевар, тараққийпарвар кишиларнинг дўстлик ва бирдамлик табрикномалари социалистик Германия Демократик Республикасининг 30 йиллигига халқлар қандай аҳамият бераётганликларини ёрқин намойиш этди. Бунинг учун ГБСП Марказий Комитети, Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, Сиз ажойиб нутқингизда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Германия Демократик Республикасининг қардошларча бирлиги тарихий роли тўғрисидаги ҳақиқатни тасдиқладингиз. Азиз Леонид Ильич, Сиз Берлиндаги нутқингизда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан тинчлик ва қуролсизланиш манфаатларини кўзлаб баён этган ҳамда муҳим жаҳоншумул-сиёсий аҳамиятга молик бўлган янги ташаббусни баланд руҳ билан, тўла равишда маъқуллаб табриклаймиз. Кескинликни юмшатишни ихтисослаштириш ва кооперациялашни кўзда тутган программа йирик хўжалик вазифаларини биргаликда ҳал этиш учун иккала мамлакатнинг моддий ресурслари ва илмий-техникавий потенциалларини бирлаштиришда янги қадам бўлади.

Томонлар социалистик ҳамдўстликнинг қудрати ва жипслигини мустаҳкамлашга, қардош партиялар ва давлатлар баҳамжиҳат ҳаракати самарадорлигини оширишга бундан буён ҳам ҳар томонлама кўмаклашишга азму қарор берганликларини изҳор қилдилар. СССР билан ГДР социалистик иқтисодий интеграция комплекс программасини бажаришда, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли тармоқ программаларини амалга оширишда актив иштирок этадилар.

Улар Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан биргаликда ана шу коллектив ташкилотни такомиллаштирадилар. Бу ташкилот социалистик мамлакатлар ташқи сиёсатини мувофиқлаштириш воситаси бўлиб, социализмни ҳимоя қилиш, халқаро муносабатларда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш манфаатларига пухта хизмат қилмоқда.

II.

Музокараларнинг қатнашчилари актуал халқаро масалаларни муҳокама қилиб, шуни таъкидладиларки, ҳозирги вазиятнинг бутун мураккаблиги ва зиддиятли эканлигига қарамай кескинликни юмшатиш жаҳон сиёсатидаги устун тенденциядир. Бу кўп жиҳатдан социалистик мамлакатларнинг актив ҳаракатлари, уларнинг халқаро иқлимни соғломлаштириш соҳасидаги изчил йўли натижасидир.

ГДР раҳбарлари шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев АҚШ президенти Ж. Картер билан Венадаги учрашуви вақтида имзоланган ҳужжатлар муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар. Ҳар иккала томон умид билдириб айтдики, СҚЧ-2 шартномасининг кучга кириши стратегик қуролларни янада чеклаш ва қисқартириш йўлини очиб беради, ҳарбий кескинликни юмшатишнинг бошқа йўналишларида ҳам олға силжиш учун кучли омил бахш этади.

Ҳозирги кунда ҳамма турдаги ядро қуроллари ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва унинг запасларини бу қуролларни бутунлай тугатгунгача босқичма-босқич қисқартириш вазифаси алоҳида актуаллик касб этмоқда. Шу масала хусусида аҳдлашувга эришиш ядро уруши хавфини бартараф этиш йўлидаги муҳим қадам бўлган бўлур эди.

Томонлар Европа қитъасидаги аҳволни муҳокама қилишга катта эътибор бердилар. Кейинги йилларда Европада содир бўлган ижобий ўзгаришлар Европа давлатлари ўртасида ҳамкорликни, ҳамжиҳатликни кенгайтиришга қаратилган янги конструктив қадамлар учун қулай шароитлар вужудга келтиради. Ҳарбий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши туришни камайтириш зарурлиги тўғрисидаги масала тобора зўр куч билан Европа сиёсатининг кун тартибига қўйилмоқда.

Варшава Шартномасида қатнашуви давлатларнинг 1978 йил ноябрида қабул қилинган Москва Декларациясида, шунингдек мазкур ташкилот ташқи ишлар министрлари комитети мажлисининг 1979 йил май ойидаги Ахборотида баён қилинган таклифларнинг амалга оширилиши ана шу вазифани ҳал этишга қўшилган муҳим ҳисса бўлур эди.

Марказий Европада қўшинлар ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида Венада олиб борилган музокараларнинг истиқболлари ана шу нуқтаи назардан кўриб чиқилди. Музокараларнинг Ғарбдаги иштирокчилари ҳам унга конструктив позицияларда ёндашиб, ҳозир Европада вужудга келган кучлар мувозанатини ўз фойдаларини кўзлаб ўзгартиришга уринишларидан воз кечсалар, бу музокараларда силжиш бўлиши мумкинлигига СССР билан ГДР аминдирлар.

Ҳозирги вазиятда НАТО блокидаги мамлакатлар ишлаб чиқаётган режалар — Американинг янги ўртача ҳаракат радиусидаги ракета-ядро қуролини Ғарбий Европада жойлаштириш режалари тўғрисидаги масала гоят кескин тус олмоқда. Мана шу қуролни социалистик давлатлар территориясига мўлжал олдириш ниятида бўлмоқдалар, бу режаларни амалга ошириш учун алоҳида ғайрат кўрсатаётган АҚШ билан ГФР хатарли ўйин қилмоқдалар. Қуролланиш пойгасининг янги даврасига кескинлик юмшатилишига оғир зарба бўлиб тушиб, пировардида ядро уруши хавфини оширган бўлур эди. Ўз-ўзидан равшанки, Европадаги мавжуд ҳарбий мувозанатни бузишга уриниш иккинчи томоннинг жавоб чоралари кўришини вужудга келтирмай қолмасди.

Музокараларнинг қатнашчилари НАТО блокидаги мамлакатларга мурожаат этиб, бу ниятларидан қайтишга даъват қилмоқдалар. Воқеаларнинг хатарли тус олиб кетишини тўхтатиш ҳали ҳам кеч эмас. Аксинча, ҳозир Европа қитъасида ҳарбий қарама-қаршиликни анча бўшаштиришнинг реал имконияти бор. Бундай имконият Совет Иттифоқининг шу йил 6 октябрь куни Ўртоқ Л. И. Брежнев Берлинда сўзлаган нутқида баён этилган янги муҳим тинчлик ташаббуси билан боғланганки, буни Германия Демократик Республикаси батамом маъқуллади ва қизғин қўллаб-қувватлади.

Совет Иттифоқи Ғарбий Европада ўртача олисликдаги ядровий воситалар яна жойлаштирилмаса, СССРнинг ғарбий районларида жойлаштирилган ўртача олисликдаги ядровий воситалар миқдорини ҳозирги даражага нисбатан яхши ният билан бир томонлама тартибда қисқартиришга тайёр.

Совет Иттифоқи марказий Европадаги қўшинлари сонини қисқартиришга қарор қилди. Бир йил мобайнида ГДР территориясидан 20 мингга яқин совет ҳарбий хизматчиси, Лаос, Кампучия халқларининг Жануби-Шарқий Осиёда гегемончилик ва империалистик тазйиққа қарши тинчлик ва хавфсизлик учун курашида улар билан оғишмай интернационал бирдам эканликларини ўз партиялари ва давлатлари номидан изҳор қиладилар. Иккала томон Африка жанубидаги халқларнинг озодлик курашини кескин қўллаб-қувватлайди.

СССР ва ГДР сепарат битимларни рад этаётган, Яқин Шарқдаги можарони ҳар томонлама одилона бартараф этиш ва мустаҳкам тинчлик учун курашаётган араб халқлари томонида қатъий турибдилар. Бунинг учун Исроил 1967 йилда босиб олган араб ерларининг ҳаммасини оккупация қилиб туришни тўхтатмоғи, Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқлари, шу жумладан ўз давлатини тузиш ҳуқуқи ҳимоя этилмоғи ва Яқин Шарқдаги ҳамма давлатларнинг, шу жумладан Исроилнинг тинчлик шароитларида мустақил яшаш ҳуқуқи саморали суратда гарантияланмоғи зарур.

СССР ва ГДР Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги озодликка эришган давлатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз мустақиллиги ва суверенитетини ташқаридан бўладиган ҳар қандай таҳқирлардан ҳимоя этиш ҳуқуқлари тарафдоридирлар, ривожланаётган мамлакатларнинг янги мустамлакачилик эксплуатациясига ва камситишларининг ҳамма шаклларини тугатиш тўғрисидаги, халқаро иқтисодий муносабатларни одилона, тенг ҳуқуқли ва демократик асосда қайтадан қуриш тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватламоқдалар. Улар тинчлик ва тараққиёт ишига катта ҳисса қўшаётган, социалистик йўлдан бораётган давлатлар билан бирдамликларини изҳор қиладилар.

Томонлар қўшилмаслик ҳаракатига тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун, империализм, мустамлакачилик ва иркчиликка қарши курашда таъсирчан омил сифатида муҳим аҳамият бераётганликларини таъкидладилар. Улар қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукуматлари бошлиқларининг Гаванада ўтказилган VI конференцияси муваффақиятли якунларидан мамнун бўлганликларини изҳор этдилар.

III.

Музокараларнинг қатнашчилари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг масалалари юзасидан фикрлашиб, ҳаракатлар бирлигининг ўсиши ва идеологик етуклик бундай ҳаракатнинг ривожланишига хос бўлаётганлигини уқтирдилар. Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига содиқ КПСС ва ГБСП коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам изчил иш кўраверадилар, Коммунистик партиялар интернационал бирдамлигининг чуқурлашуви тинчлик, миллий мустақиллик ва социализм иши янги муваффақиятларининг гарови бўлиб қолмоқда.

Европа Коммунистик ва Ишчи партиялари Берлин конференциясининг ҳужжати ўзининг актуаллигини тўла сақлаб турибди. Икки қардош партия кескинликни юмшатиш ва ижтимоий тараққиёт учун, қуролланиш пойгасига, милитаризмга, реваншизмга ва янги фашизмга қарши курашда барча демократик кучлар билан ҳаракатлар бирлиги учун активк курашадилар.

ГДР ва СССР партия-ҳукумат делегациясининг музокаралари, учрашувлари ва суҳбатлари иккала партия ва давлатнинг муносабатларига хос анъанавий самимий ва қардошлик вазиятида ўтди. Булар муҳокама этилган барча масалалар юзасидан қарашлар ва сиёсий позициялар тўла бирлигини тасдиқлади.

Визит чоғида ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва ГДР Министрлар Совети Президиумининг топшириғига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга Карл Маркс ордени ва ГДР Қаҳрамони Олтин юлдузини топширди. Л. И. Брежнев ГДР билан СССР ўртасида қардошлик-муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, бутун дунёда социализм ва тинчликни мустаҳкамлаш ишидаги катта хизматлари учун шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан ГДР партия-ҳукумат делегациясини расмий визит билан Совет Иттифоқига боришга таклиф этди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

ГДРНИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ҳозирлигида 7 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненкога ГДРнинг олий мукофоти — Карл Маркс орденини топширди.

Мукофотни топшириш вақтида ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзолиққа кандидатлари, Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари А. А. Громико, Н. А. Тихонов, К. В. Русаков, П. А. Абрасимов, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ Э. Хонеккер орденни топшира туриб, ўртоқ К. У. Черненко КПСС билан ГБСП ўртасидаги, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги қардошлик муносабатларини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун, шунингдек тинчлик ва кескинликни юмшатиш учун кураш ишига қўшган катта ҳиссаси учун шу юксак мукофотга сазовор бўлганлигини таъкидлади. Сиз, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари ҳазрати, Сиз фаолиятингизда, Маркс, Энгельс, Ленининг улуғ таълимотига амал қилмоқдасиз, қалин дўстимиз Леонид Ильич Брежневнинг энг яқин сафдошисиз, деди сўнгра Э. Хонеккер.

Ўртоқ Э. Хонеккер ўртоқ К. У. Черненкога партия билан давлат ўртага қўйётган масъулиятли вазифаларни бажаришда катта ижодий муваффақиятлар тилади.

Ўртоқ К. У. Черненко жавоб нутқида ГБСП Марказий Комитетига, ГДР Давлат Кенгашига, шахсан ўртоқ Э. Хонеккерга юксак мукофот учун чуқур миннатдорчилик изҳор этди. Ҳозиргина менга топширилган орден, деди у, буюк мутафаккир ва революционер Карл Марксниг номи билан аталади. Коммунистик ҳаракатнинг дунёга келиши шу улуғ зотнинг қураши ва асарлари билан боғланган.

Бу мукофотни мен, аввало, ленинчи партиямизнинг интернационализми учун, унинг мамлакатларимиз, бутун социалистик ҳамдўстлик халқларининг бирлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш йўлидаги тинимсиз фаолияти учун унга кўрсатилган эҳтиром ифодаси деб биламан, деди сўзини давом эттириб К. У. Черненко.

«Иттифоқимизнинг мақсади равшан. У тинчлик ва бунёдкорликка хизмат қилади», — деди Л. И. Брежнев шу ерда, Берлинда сўзлаган нутқида. Совет Иттифоқининг Л. И. Брежнев нутқида баён этилган ҳамда ГДРда ва бошқа қардош социалистик мамлакатларда астойдил қўллаб-қувватланган тарихий тинчлик ташаббуси бу сўзларнинг исботидир. Бизнинг мустаҳкам қардошлик иттифоқимиз тинчлик учун, Европа халқларининг хавфсизлиги учун бирлиқдаги курашда мустаҳкамланиб камол топиб бормоқда.

Пировардида ўртоқ К. У. Черненко бундай деди: азиз ўртоқлар, ленинчи Коммунистик партиянинг аъзоси сифатида мен партиямиз ва халқларимизнинг қардошларча ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида, тинчлик ва социализм манфаатлари йўлида бундан буён ҳам куч-қувватимни аямайман, деб сизларга ваъда бераман.

Мукофотни топшириш вақтида ҳозир бўлган ўртоқлар К. У. Черненкони юксак мукофот билан табриклидилар ва унга Коммунистик партия билан Совет давлати манфаатлари йўлидаги фаолиятида катта муваффақиятлар тиладилар.

(ТАСС).

СОЦИАЛИЗМ ҒАЛАБАЛАРИ ПОСБОНЛИГИДА

БЕРЛИН, 7 октябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Карл Маркс хиёбонини берлинликлар янги социалистик кўча деб атайдилар. ГДР пойтахтининг энг муҳташам магистралларидан бири бўлган бу кўча республика ташкил топган дастлабки йилларда қурилган эди. Бугун Карл Маркс хиёбонида ГДР 30 йиллигини нишонлаш юзасидан миллий халқ армиясининг паради бўлди.

Минбарларда ГБСП Марказий Комитетининг аъзолари, халқ палатасининг депутатлари, немис ишчилар ҳаракатининг ветеранлари, республиканинг донгдор кишилари, миллий халқ армиясининг генераллари ва офицерлари туришибди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И.

МАШИНА ТЕРИМИ ИЛҒОРЛАРИ

Пойтахт областида машина терими кун сайин қизиётилмоқда. Шу туфайли пахта хирмонига тобора барака кирмоқда. Хирмонларнинг юксалишига донгдор механизаторлар салмоқли ҳисса қўшишяпти. Ана шулар қаторида Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозининг илғор механизатори Малика Алимова ҳам бор. У ўз агрегати билан 160 тонна пахта теришга мажбуриятини олган. Бу ўтган йилдагидан 30 тонна кўпдир.

Малика Алимова улкан мажбуриятни бажариш, ёруғ юз билан ғалаба рапортига имзо чекиш ишқида астойдил меҳнат қиляпти. У агрегатининг бир дақиқа ҳам бекор туриб қолмаслиги учун бой тажрибасини ишга соляпти. Шу туфайли кунлик нормасини мудом ошириб бажараётир. Суратда: илғор механизатор М. Алимова.

Р. Шагаев фотоси. (ЎзТАГ).

Сўз — хўжалик раҳбарларига

«БЎЗАТОВ» ДУРДОНАСИ

Совхозимиз меҳнат аҳлининг ғайрат-шижоатига қойил қолса бўлади. Улар сувга ташна бўлиб ётган партов ерларни ўзлаштириб, мўлкўл «оқ олтин» етиштирмоқдалар. Чўлда иккинчи йил деҳқончилик қилаётган коллективимиз эрта баҳордаёқ катта хирмон учун бошлаган курашларини давом эттирмоқдалар.

Совхозимиз бўйнча ҳар бир ишловчига 12—15 гектардан ер тўғри келади. Бундан кўриниб турибдики, ишимиз осон эмас. Оз куч билан мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмаслиги ҳаммага аён. Биз механизацияга таянган ҳолда ўз зиммамизга улкан мажбуриятлар олганмиз. 1000 гектар майдондаги ғўзани яхши парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик. Гектаридан камида 30 центнердан, жами 3 минг тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олишни мўлжаллаб турибмиз.

Пахта йиғим-теримини қизғин давом эттираётган совхозимиз ишчилари ва механизаторлари Чимбой районидагина эмас, Қорақалпоғистон автоном республикасида ҳам пахта тайёрлаш бўйича олдинги ўринларда боришмоқда. Коллективимиз ҳар куни йиллик планнинг 6,5—7,5 процентигача пахта тайёрлаш ва қабул пунктларига топширишга муваффақ бўляпти. Кўпчилик бригадаларнинг халқ хўжалик планларини шараф билан бажарганларига анча кун бўлди. Бунга О. Умаров, Ж. Бекбонов, А. Оллоберганов, Ж. Тўраниёзов, А. Полвонов, Х. Бўронбоев, Қ. Ережебов, Ж. Оллоназаров ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. 3—4 иш кунида халқ хўжалик планини бажарган коллективлар социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишмоқда.

Бўлимлараро социалистик мусобақада Ж. Ембергенов, Х. Мақулбоев, Н. Бакиров ўртоқлар бошқарувчилик қилаётган бўлимлар олдинда бормоқда. Бу коллективларда ҳар куни йиллик планнинг 7,5—8 процентидан ошириб пахта тайёрланаётир.

Терим суръатининг тезлашишида моҳир механизаторларимиз асосий ролни ўйнащмоқда. Совхозимиз бўйнча 4 та терим-транспорт отряди ташкил этилган. Бу отрядлар теримни цпатоволиклар методи асосида олиб боришяпти. Отрядлар ва механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. Уларни мукофотлаш учун кўчма Қизил байроқ ва вимпеллар таъсис этилган. Механизаторларимиздан П. Айтманов, Д. Бойжонов, Е. Аспатуллаев ва бошқалар ҳар куни 8—12 тоннадан «оқ олтин» териб бериб, социалистик мусобақада пешқадамлик қилишаётир.

Хўжалигимиз пахтакорлари ва механизаторлари сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда яхши кўрсаткичларга эришганлиги учун Қорақалпоғистон область партия комитети, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Автоном Республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Мукофот коллективимизни янгидан-янги зафарларга чорламоқда. Биз об-ҳаво ғанимат бўлган шу кунларда терим суръатини сира ҳам сусайтирмаймиз. Ҳар куни эл хирмонига йиллик планнинг 8—10 процентидан миқдорида пахта топширишга эришамиз. Шундай қилиб, халқ хўжалик планимизни бир ҳафта ичида, социалистик мажбуриятимизни эса 31 октябргача шараф билан бажарамиз. Шундай қилиб, «оқ олтин» кони бўлган Ўзбекистонимизнинг 5 миллион 700 минг тоннаник хирмонига 3 минг тоннаник дурдонамиз билан муносиб ҳисса қўшамиз.

Узоқбой БЕКИМБЕТОВ,
Чимбой районидаги «Бўзатов» совхози директори.

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ!

«Биз тинчликни, мустаҳкам тинчликни истаймиз», деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Германия Демократик Республикасининг ўттиз йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда сўзлаган нутқида. Мана шу сўзларда барча совет кишиларининг, ер юзида тинчликни қадрлаётган барча одамларнинг хоҳиш-иродаси ва орзу-умиди ифода этилган.

Биз партия ва ҳукуматнинг янги жаҳон урушининг олдини олишга қаратилган тинимсиз фаолиятини маъқуллаймиз ва қўлғин қўллаб-қувватлаймиз. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқида Марказий Европадаги қуролли кучларни қисқартириш тўғрисида айтган янги таклифлар шу йўлдаги муҳим қадамдир.

Бизга тинчлик керак, тинч жанг фронтларидаги ғалабалар, ҳозирги вақтда Ўзбекистон пахтазорларида давом этаётган тинч жанг фронтларидаги ғалабалар керак.

Ҳосил йиғим-теримида минглаб механизаторлар меҳнат қилмоқдалар. Улар юксак меҳнат муваффақиятларини қўлга киритмоқдалар. Мен ҳам умумий меҳнатга ўз улушимни қўшишга ҳаракат қиляпман. Тўрт қаторли комбайнда кунига 20—25 тоннадан пахта термоқдаман. Ҳозирнинг ўзидаёқ бункердан беш юзинчи тонна пахтани тўка бошладим. Мавсумда эса жами 630 тонна пахта териш мажбуриятини олганман. Сўзимнинг устидан чиқиш учун бутун кучимни сарфлайман.

Х. САПАРОВ,
Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз механик-ҳайдовчиси, СССР Давлат мукофотининг лауреати.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН — В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА

ИЛҒОРЛАР ИБРАТИ

Ҳадемай бутун тараққийпарвар инсоният пролетариатнинг буюк доҳийси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин туғилган кунниг 110 йиллигини ғалтанавор нишонлайди. Совет халқи мамлакатимиз ҳаётидаги бу улкан санани муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Москвадаги бир қатор илғор ишлаб чиқариш коллективлари ички резервлар ҳамда имкониятларни қидириб топиб, қаракатга келтириш асосида В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигигача бош йиллик топшириқларни бажариш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. КПСС XXV съезди қарорларини ишчиллик билан амалга ошираётган, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари ортиғи билан ado этиш учун социалистик мусобақани кундан-кунга авж олдираётган республикамиз меҳнат коллективлари бу ватанпарварлик ҳаракатини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар.

— Ўнинчи беш йиллик планларини буюк доҳий В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигига қадар шараф билан бажариш, — дейди Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи партия комитетининг секретари С. Тожиев, — корхонамиздаги кўплаб цех ва участкалар меҳнат аҳлининг жанговар шиоридир. Заводимиз касаба союз қомитети ўтган йил октябрь ойидаёқ Ильич юбилейини 1976—1980 йиллар планини якунлаш билан нишонлашга қарор қилган Ҳасан Ҳошимов ва Юрий Степаненко бошлиқ бригадалар аъзоларининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаган эди.

ТАШАББУСКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Иккинчи суҳбатдошимиз — шу корхонанинг донгдор ишчиси, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати М. Мўйдиновдир.

— Заводимиз коллективи ростовлик ва янгийўлликларнинг қолоқларсиз ишлаш ҳақидаги ташаббусига қўшилиб яхши натижаларга эришяпти, — деди у. — Бизларда қолоқлар деярли йўқ. Ўнлаб бригадалар, юзлаб ишчилар беш йилликни барвақт якунлаш учун астойдил курашмоқдалар. Кўпчилик меҳнат новаторларимиз бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини ўрнилатиш иштиёқи билан ишлашяпти. Буюк доҳиймиз В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга жазм қилганлар орасида Ҳасан Ҳошимов ва Юрий Степаненко етакчилигидаги бригадаларнинг аъзолари борлигига ҳечам ажабланмаса бўлади. Чунки ҳар соҳада пешқадам, тинимсиз изланувчи, янгиликка интилувчи бундай кишиларгина бошқаларга ибрат кўрсатиши, ўз ортидан эргаштириши, уларни янги марраларга руҳлантириши мумкин.

Маҳмуджон Мўйдинов ҳақ. Гарчи Ҳасан ёш бўлсада, қисқа вақт ичида коллектив ҳурмат-эътиборини қозонди. Ҳамкасабалари тилига тушди. Унинг номи дўстлари дилидан жой олди. Ҳасан ВЛКСМ XVIII съезди делегати бўлган. Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси, учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени ҳавалери. Ҳ. Ҳошимов етакчилигидаги бригада коллективи пахта териш машиналари учун дискалар ва бошқа деталлар тайёрлашда топшириқларни мунтазам суратда ортиғи билан бажариб, барча маҳсулотларни аъло сифатга топширмоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, бу донгдор корхонада Ҳасаннинг акаси Қобилжон ва укаси Ҳусанжон ҳам меҳнат қилишмоқда. Ҳусан Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати. У ҳам ВЛКСМ XVIII съезди қатнашчиси. Қобилжон эса укалари билан бир цехда ишлайди. Кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган. У кўп йиллардан бери халқ депутатлари Ҳамза район Советининг депутати.

Ўн бешинчи механика цехининг токарь-автоматчиси, ташаббускор бригада даргаси Юрий Степаненко билан таништик. Бу ёш ишчи ҳам ўзининг ҳалол меҳнати ва ташаббускорлиги билан кўпчиликнинг меҳр-муҳаббатини қозонган. Яқинда корхона коммунистлари барабанлар ва шпинделларни йиғишда зарбдор меҳнат намунасини кўрсатаётган бригада етакчисига катта ишонч билдиришди. Ю. Степаненко цех партия ташкилоти бюроси секретарининг ўринбосари қилиб сайланди. У Ҳамза район партия комитети бюросининг аъзоси ҳамдир.

В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ҳаракатини бошлаб берган мазкур ташаббуснинг кучи шундаки, у юзлаб ишчиларни ўзига жалб қилмоқда. Биргина «Ташсельмаш» заводининг ўзида ўнта бригада ва 130 нафар ишчи беш йиллик топшириқларини келаси йил 22 апрелигача ado этиш мажбуриятини олиб меҳнат қилмоқда. Жумладан, 11-цехнинг пресслоВчиси К. Полякова, йиғув цехининг слесари Г. Водоводов, механика-йиғув цехининг фрезерчиси Р. Самигулина, 14-цехнинг пардозловчиси Б. Авезова, қуюв цехининг қолипловчиси В. Алёхин ва бошқалар графикдан ярим йил ўзган ҳолда ишлаяптилар. **Яқинда завод цех ва участкалари, смена ва бригадалари бўйлаб ажойиб хушхабар тарқалди: йиғувчи слесарь Н. Қодиров, электр пайвандчи Г. Нам, фрезерчи В. Трифоновалар беш йиллик топшириқларини ado этганликлари ҳақида ғалаба рапорти беришди. Улар шу тариқа В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги шарафига зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини муддатидан анча олдин ошириб бажардилар!**

Бундай меҳнат илғорларининг, коммунистик меҳнат зарбдорларининг юксак суръат билан ишлаши туфайли қўш орденли «Ташсельмаш» заводи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ўстиришда катта муваффақиятларга эришмоқда. Республика партия ва ҳукуматининг янги пахта ҳосили йиғим-терими мавсумигача ингичка толали пахтани йиғиштириб олувчи «ХПП-1,8» маркали «зангори кема»лардан 750 тасини тайёрлаш тўғрисидаги топшириғи бажарилди.

— Бу йил ҳам машинасозларимиз олдида гоят масъулиятли вазифалар турибди, — дейди сўзида давом этиб партком секретари, — Бу — ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида мамлакат пахтакор хўжаликларига камида 9,5 минг дона сифатли ишлаб чиқарилган пахта териш машиналарига юборишдан иборат.

Мураккаб, аммо бажарса бўладиган реал ишдир бу. Завод коллективининг шу кунлардаги бутун диққат-эътибори корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, унинг сифатини оширишга, мавжуд резерв ва имкониятларни қидириб топиб уларни омилкорлик билан ишга солишга, янги техника ва технология, ҳом ашё ва материаллардан унумли фойдаланишга қаратилган. Бунда, шубҳасиз, буюк доҳий В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги шарафига авж олдирилаётган социалистик мусобақа катта аҳамиятга эга.

Ш. АКБАРОВ.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ТИНЧЛИКСЕВАРЛИК ВА ЭЗГУ НИЯТ ИФОДАСИ

ГДР ташкил топганлигининг 30 йиллиги байрамига бағишлаб Берлинда ўтказилган тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг нутқи бутун дунёда жуда кўп фикр-мулоҳазалар туғдирди.

Чет мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, таниқли давлат ва сиёсий арбоблари Совет Иттифоқининг ва унинг социалистик ҳамдўстлиқдаги иттифоқчиларининг тинчликсеварлик руҳида ва эзгу ният билан қилган янги ижобий таклифларига юксак баҳо бермоқдалар.

Бу таклифларда Марказий Европадаги совет қўшинлари сонини қисқартиришга қарор берилганлигини, шунингдек, СССРнинг Совет Иттифоқининг ғарбий районларида жойлаштирилган ўртача олисликдаги ядровий воситалари миқдорини ҳозирги даражага нисбатан қисқартиришга тайёр эканлиги билдирилганлигини уқтирмоқдалар.

Шу муносабат билан эндиги Европада сифат жиҳатдан янги вазият вужудга келаётганлиги қайд этилади. Совет Иттифоқининг барча Европа халқларига хавфсизлик ва тинчлик шароитидаги ҳаётни нақд таъминлаш имконини берадиган таклифларига жавобан НАТО мамлакатларининг раҳбарлари халқларнинг туб манфаатларига муносиб қарорлар қабул қилишлари ва шундай қилишга тайёр эканликларини амалда кўрсатишлари лозим.

Қардош социалистик мамлакатларнинг марказий газеталари, радио ва телевидениеси Л. И. Брежневнинг ТАСС орқали тарқатилган нутқини тўла-тўкис эълон қилди.

Берлиндаги **«Нойес Дойчланд»** газетаси Л. И. Брежневнинг нутқини Совет Иттифоқи таклиф этган янги кенг қамровли тинчлик программаси, деб атади. Европада ва бутун ер юзида хавфсизликни таъминлашга қаратилган бу программада, деб ёзади газета, Европа қитъасини тинчлик қитъасига айлантиришнинг равшан истиқболи баён этиб берилган. Айни вақтда Совет Иттифоқи оғизда эмас, балки амалда конкрет тинчликсеварлик ва холис ниятни кўрсатмоқда. Бундан буёнги иш ғарб мамлакатларига боғлиқ. Биз умид қиламизки, реализм, давлат донишмандлиги ва шижоят соғлом ақл-идроснинг ўзи устун бўлиб чиқади.

Берлиндаги тантанали мажлис, деб таъкидлайди Болгариядаги **«Работническо дело»** газетаси, Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўтказаётган изчил тинчликсеварлик сиёсатининг ёрқин намойишига айланди. Совет раҳбари ўртага қўйган таклифлар тарихий аҳамиятга эгадир. Бу таклифлар Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг тинчликсеварлиги ва холис ниятн ифодаси бўлиб, кескинликни юмшатиш душманлари «совет ҳарбий хавфи» деб аталган сафсатабозлик кампаниясини авж олдираётганликларига қақшатқич зарба уради.

Берлиндаги мажлиснинг қатнашчилари Л. И. Брежневнинг нутқини гулдурос қарсаклар билан кутиб олганликлари Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик ташаббуслари астойдил маъқулланганлигидан далолат беради, деб таъкидлайди **ЧССР радиоси.** СССРнинг тинчликсеварлиги ва холис ниятини кўрсатувчи янги амалий таклифларни Европа ва бутун дунё халқлари қўллаб-қувватлайдилар, деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

Ер қуррасининг ҳамма жойларида бўлгани каби Европада ҳам социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари тинчлик бўлишини хоҳлайдилар, деб таъкидлайди Венгриядаги **«Непсабадшаг»** газетаси. Л. И. Брежневнинг Берлиндаги нутқидан маълум бўлишича, бу нутк — ташқи сиёсатимизнинг энг муҳим асосидир, унинг метин негизидир. Биз бу сиёсатни изчиллик билан муттасил ўтказиб келяпмиз.

Польша матбуот агентлиги — **ПАП** қуйидагиларни таъкидлайди: Л. И. Брежнев НАТО мамлакатларининг ҳукуматларини социалистик давлатлар ташаббусларини муносиб равишда баҳолашга ва улардан яхши ибрат олишга чақирди.

«Вашингтон пост» газетасининг эътироф қилиб ёзишича, совет таклифлари «Шарқ билан Ғарб ўртасидаги кескинликни юмшатиш сиёсати учун яхши муҳит яратишга қаратилган».

(ТАСС).

ҚЎШМА БАЁНОТ

ВЬЕНТЬЯН. Бу ерда БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков бошчилигидаги Болгария партия-давлат делегациясининг ЛХДРга килган расмий дўстона визитининг якунлари тўғрисида Лаос—Болгария қўшма баёноти эълон қилинди.

Халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини Осиё қитъасига ҳам ёйиш зарур. Осиёда мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши ва барча мамлакатларнинг хавфсизлиги учун гарантия яратилиши керак, деб уқтириб ўтилади ҳужжатда.

ЛХДР ва БХР империализм билан ва халқаро реакция кучлари билан иноқлашган Пекин экспансиячиларининг ҳаракатларини кескин қораладй.

Томонлар марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида социалистик мамлакатларнинг, қардош коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлашга интилажакларини таъкидлаб ўтдилар.

ҲАРБИЙ КУЧНИ НАМОЙИШ ҚИЛИШ ДИПЛОМАТИЯСИГА ЗАРБА

ЖОРЖТАУН. Кариб денгизидаги тўрт давлат — Гайана, Ямайка, Гренада ва Сент-Люсия ҳукуматлари ўзларининг қўшма баёнотида Вашингтон маъмуриятининг Кариб денгизи районида АҚШнинг ҳарбий кучини кўпайтиришдан иборат йўлини кескин қоралади.

Шу мамлакатлар ҳукуматларининг бу ерда эълон қилинган баёнотида қуйидагилар уқтириб ўтилади: шу региондаги халқларнинг манфаатларига алоқадор бўлган ва мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашувдан иборат қарорларнинг қабул қилинишига йўл қўйиб бўлмайди. АҚШ маъмуриятининг тадбирлари Кариб денгизи ҳавзасида тинчлик ва барқарорликка нисбатан хавф-хатарни кучайтиради.

ПАНАМА УЗРА МУСТАҚИЛЛИК БАЙРОҒИ

Панама канали зонасида қад кўтариб турган Анкон тоғида 1 октябрь куни кўп халойиқ тўпланиб, Америка байроғи туширилди ва унинг ўрнига Панама байроғи кўтарилди. Шу рамзий воқеа билан Қўшма Штатлар 1903 йилдаёқ Панамадан тортиб олган территория устидан Панама суверенитетини босқичма-босқич қайта тиклаш бошланди.

АҚШнинг Панама канали зонасидаги мустамлакачилик ҳукмронлиги 76 йил давом этди. Бу зона давлат ичидаги давлатга айлантирилди ва мамлакатни тарқоқ икки қисмга ажратиб қўйди. Шу йиллар давомида Панама халқи Америка империализмига қарши ўзининг поймол этилган ҳуқуқларини тиклаш учун ва миллий мустақиллик учун сабот билан мардона курашди.

Панамаликлар ғалабага асосланкча эришганлари йўқ. 1964 йил 9 январь куни панамалик ишчилар билан студентлар канал зонасида ўз ватани байроғини кўтарганлари учунгина ишчилар ва студентлар намойишини Америка солдатлари ўққа тутганлигини панамаликлар ҳеч қачон унутмайдилар. Улар 14 йиллик кескин музокаралардан кейингина ниҳоят 1977 йилда Панама канални Панамага топириш тўғрисидаги шартнома имзоланганлигини ҳам унутмайдилар. Канални топириш жараёни 2000 йилга борганда тугалланиши лозим.

Шу шартномаларнинг ратификация қилинишига ва канални ўзининг ҳақиқий хўжайинига топиришнинг биринчи босқичини амалга оширишга эришиш учун яна икки йилдан кўпроқ вақт керак бўлди. Аммо, ҳатто Анкон тоғидаги тантанали маросим арафасида ҳам Пентагон Панама канали зонасига 75-Америка авиация бригадасини ифвогарлик мақсадида юборди. АҚШ конгрессида эса канални панамаликларга топиришга йўл қўймаслик учун уринб кўрилди. Шу сабабли Анкон тоғидаги оммавий митинг қатнашчилари АҚШ расмий вакили шу кундан эътиборан Вашингтоннинг Панама билан муносабатларида «зўравонлик эмас, балки адолат ҳукм суради» деган гапни айтганида ҳамма ёқдан ҳуштаклар чалишгани ажабланарли эмас.

76 йил мобайнида канал зонасига биринчи бор қадам қўйган панамаликлар хомхаёлларга берилаётганликлари йўқ. Улар ўзларининг асосий душманига — Америка империализмига қарши, уни Панама территориясидан узил-кесил чиқариб юбориш учун, миллий мустақиллиги мустаҳкамлаш ва демократия ўрнатиш учун ҳали шиддатли жанглар қилишга тўғри келишини яхши биладилар.

Панама Халқ партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг канал зонасини панамаликларга топириш бирнчи босқичи амалга оширилиши муносабати билан эълон қилган махсус баёнотида ушбу ғаплар уқтириб ўтилган. Ўз территорияси устидан суверенитетни қайта тиклашда халқ ғалабасига дунёда янги қулай вазият вужудга келганлиги туфайли эришиш мумкин бўлди, деб таъкидланади баёнотда. Бу вазият империализмнинг чўқур кризисга учраганлиги, миллий озодлик ҳаракатларининг зафарлари, Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг таъсири кучайиб бораётганлиги билан характерланади.

БИР ИФВОГАРЛИКНИНГ ПУЧГА ЧИҚИШИ

АҚШ президенти Ж. Картер Кубадаги «Совет ҳарбий ходимлари» тўғрисидаги масала, деб аталган масала теварагида ҳеч бир асоссиз равишда АҚШда авж олдирилган ифвогарона пропаганда кампаниясини муносабати билан 1 октябрь куни телевиденне орқали Америка халқига мурожаат қилди. Президент аллақачонлар ҳаммага равшан бўлган ҳақиқатни, чунончи, АҚШ «бирон-бир бевосита конкрет хавфга дуч келмаётганлигини» тан олди. «Бу, — деди у, — катта ҳарбий қисмлар эмас, зарбдор қучлар ҳам эмас. Уларнинг ихтиёрида осмондан ёки денгиздан десант туширадиган воситалар йўқ. Бунда гап Қўшма Штатлар учун ядро хавфи тўғрисида бораётгани йўқ».

Шу билан бирга Америка президентининг баёнотида Совет — Куба муносабатларининг характерини бузиб кўрсатадиган гаплар айтилди. Бу гаплар президентнинг ўзи ҳам, унинг атрофидаги кишилар ҳам ўзлари тўқиб чиқарган «СССР ва Куба томонидан Қўшма Штатларга хавф бор» деган сафсатадан қуролланиш пойгасини янада кучайтириш ва дунёнинг турли районларида кескинликни авж олдириш учун фойдаланиш ниятида эканликларини яна бир карра тасдиқлади. Шундай бўлса ҳам Ж. Картернинг нутқи Советларга қарши ифвогарлик кампаниясига муайян равишда чек қўйди. Бу кампания Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам, шунингдек, Ғарбий Европанинг кўпгина мамлакатлари пойтахтларида ҳам қаттиқ қораланди.

Масалан, Англия матбуоти Америка маъмуриятининг «шипга қараб тўқилган муаммодан сиёсий манфаат кўриб қолиш» йўлидаги уринишн барбод бўлди, деб истеҳзо билан ёзмоқда. «Санди телеграф» газетаси бу кампания «бундан ҳам бесўнақай бўлиши амри маҳол эди» деб таъкидлайди.

«Биз АҚШнинг позициясини қўллаб-қувватлашни нақадар хоҳламайлик, унга далда бериш учун бирон-бир тузукроқ асос топа олмаган бўлсак, иложимиз қанча», — деб ёзади киноя билан газета. Буларнинг ҳаммаси «уруш ёқасида туриб ҳаракат қилишнинг янги вариантидан бошқа нарса эмас, уруш ёқасига бориб қолган Сэм тоға найрангбозлик ишлатаман, деб дарёга кулаб кетай, деб турибди» деб ёзади у.

Ана шундай қораловчи фикрлар таъсирида Америка конгрессидагилар ҳам бир мунча ҳушёр тортишди. Сенатда демократик қўпчилик раҳбарининг ўринбосари Крэнстон бундай деди: «Болалик усулларидан ва болалар хулқ-атворидан воз кечадиган пайт келди. Совет Иттифоқи бизнинг дидимизга ёқмайдиган бирон-бир иш қилган пайтда ҳар сафар талвасага тушиб, қалтирашни бас қилайлик. Америка сенатининг биз охирига етказишимиз керак бўлган ва чала қолган муҳим ишга яна киришиши — ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини жиловлаш учун самарали чоралар кўриш йўлидан олга бориш пайти келди».

Г. ШИШКИН, (ТАСС).

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ЭРОН КУРДИСТОНИДАГИ ВАЗИЯТ

ТЕҲРОН. Эрон Курдистонида миллий автономия талаб қилаётган курд ҳўғолончилари билан ҳукумат қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда.

«Теҳрон таймс» газетасининг хабар беришича, 6 октябрь куни Мехободда маҳаллий аҳолининг умумий намойиши бўлиб ўтди. Намойиш вақтида бир неча магазинларга ўт қўйилган. Шаҳар бошлиғи кечалари Мехободда отишмалар баъзан бир неча соат давом этмоқда, деб хабар берди. Курд партизанлари оғир тўплар ва гранатомётлардан ҳукумат қўшинларини ўққа тутдилар, деди у.

«Жумҳурие исломи» газетаси Курдистондаги аҳвол тўғрисида хабар бериб, Мехободда радио ва телевидение станцияси ҳамоя курд ҳўғолончиларни қўлида эканлигини уқтириб ўтади.

Теҳрон радиоси Мехободда «Ислом революцияси ҳимоячилари корпуси» қўмондонлигининг шаҳар аҳолисига қилган мурожаатини эшиттирди. Мурожаатда, агар маҳаллий аҳоли бундан буён ҳам партизанларга ёрдам берадиган бўлса, у ҳолда «янада қаттиқроқ чоралар кўрилади» деб кўрсатилади.

ВЕНАДАГИ МУЗОКАРАЛАР

Венанинг Хофбург саройида Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги музокаралар иштирокчиларининг навбатдаги ёпиқ яллиғ мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ГДР делегациясининг бошлиғи элчи А. Виланд ва ГФР делегациясининг раҳбари элчи Э. Юнг сўзга чиқдилар.

ГДР делегациясининг матбуот масалалари билан шуғулланувчи вакили журналистлар билан учрашувда айтганидек, А. Виланд ўз нутқида социалистик мамлакатлар Марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни самарали тарзда қисқартириш йўлида муайян мақсадни кўзлаб ва қатъият билан курашаётганликларни таъкидлади.

А. Виланд яна музокараларда силжиш рўй бермаётганлигига НАТОга аъзо бўлган давлатларнинг қуролланиш пойгасини тинмай кучайтираётганликлари асосий сабаб бўлаётганлигини қайд қилди. Бир томон қуроссиланиш тўғрисидаги музокаралар учун қуролланиш соҳасида қўшимча тадбирларни асос қилиб олар экан, музокараларнинг ижобий натижалари учун истиқбол камлиги каби фактдан кўз юмиб бўлмайди, деди у. (ТАСС).

ДАЛАДА ИШЛАЁТГАНЛАР УЧУН

Пахта теримининг долзарб кунлари ҳамма далада — пахта теримида. Турли касб эгалари, каттакичик теримга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Уйчи район марказий шифохонаси офтальмологи СССР халқ врачи, Ленин ва «Ҳурмат белгиси» орденлари кавалери Назира Жуманова 25 йилдан буён кўзи оғриган беморларни даволаб, эл эътиборига сазовор бўлди. Назира Жуманова шу кунларда пахта далаларида теримчилар орасида профилактика ишлари олиб бориб, кўз оғриғидан сақланиш ҳақида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқда. Болалар боғчалари, мактабларда ҳам бўлиб, маслаҳатлар бераётир.

Суратда: Назира Жуманова «Гулистон» совхозининг механизатори Ғуломжон Исматов билан суҳбатлашаётир. Иккинчи суратда: Қашқадарё область, Ғузор райпосининг ходими Абдумажид Убайдуллаев дала шийпонида савдо қилмоқда.

Ҳ. Ҳайдаров фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

РЕКЛАМА ва эълонлар

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

1979—1980 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА — САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ҚУРИЛИШ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА ТАШКИЛОТЛАРИ, ГЕОЛОГИЛ-ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТЛАРИ, СОВХОЗЛАР, КОЛХОЗЛАР, ҲАРБИЙ ҚИСМЛАР ЙЎЛЛАНМАСИ БЎЛГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ИЛҒОР ИШЧИЛАР, КОЛХОЗЧИЛАР ВА СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФЛАРИДА ХИЗМАТ ҚИЛИБ ҚАЙТГАН КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мазкур институт ва унинг Фарғона филиали агроном олимлар, агрохимик-тупроқшунослар, далачилик агрономлари, суғориладиган ерлар деҳқончилиги агрономлари, селекционер-уруғшунослар ва шоликорлар, мева-сабзавоткорлар ва соҳибкорлар, ёпиқ шароитларда ҳосил етиштирувчи сабзавоткорлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича агрономлар, пиллакорлар, ўрмон хўжалиги инженерлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши экономистлари ва ташкилотчилари, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби бўйича экономистлар ва кенг профилдаги зооинженерлар тайёрлаб чиқаради.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсияномалар ўқишга юбориш учун йўлланма бериш ҳақидаги масала кўриб чиқилаётган вақтда меҳнат стажи 1 йилдан кам бўлмаган шахсларгагина берилиши лозим. Амалий иш стажи мазкур корхона (колхоз)да ишчи (шогирд сифатида ишлаган вақти тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди) ва колхозчи бўлиб сўнгги 1 йил давомида мунтазам равишда ишлаган бўлишлари лозим.

Ўқишга юборилган колхозчилар мазкур колхоз учун ҳар қайси йил учун белгиланган меҳнат кунларини минимум даражада ишлаган бўлиши лозим.

МЕҲНАТ СТАЖИ БЎЛГАН ВА 1979 ЙИЛДА КУНДУЗГИ ЎРТА МАКТАБНИ БИТИРГАНЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИ.

Тайёрлов бўлимига юборилганлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: институт ректори номига ариза, йўлланма (2 ва 3-формалар), ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат (асли), характеристика (корхона раҳбарлари, партия ва жамоат ташкилотлари томонидан тасдиқланган), Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтганлар учун эса ҳарбий қисм томонидан тасдиқланган характеристика, 8 та фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма), меҳнат (колхозчи) дафтарчасидан кўчирма.

АРИЗАЛАР 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. СУҲБАТ — 11 НОЯБРДАН 24 НОЯБРГАЧА. ҚАБУЛ ҚИЛИШ — 25 НОЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА.

Машғулотлар — 1 декабрдан бошланади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ ТАМОМЛАГАН ВА БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРГАНЛАР ИНСТИТУТ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИНГ 1 КУРСИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар ойига 40 сўм ҳажмида стипендия оладилар, ўқишга командировка қилинган колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларига 15 процент кўп стипендия тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700183, Тошкент шаҳри, Телефон 62-23-02.

Ахборот

САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚАДРДОН ДАРГОҲДА

Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси Иттифоқимиздаги йирик билим даргоҳларидан биридир. Бу даргоҳда таҳсил кўрган кишилар республикамиз, шунингдек, мамлакатимизнинг турли жойларида ишлаяпти, ижод қиляпти. Ана шулардан бири Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Рудакий номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Шарофиддин Сайфиддиновдир.

Шарофиддин Сайфиддинов профессор Б. И. Зейдман раҳбарлигида диплом ишини ҳимоя қилиб, катта ижодий ҳаётга йўлланма олгач, қунт билан изланди ва ажойиб асарлар яратди. Бастакорнинг «Гулла, яшна, Тожикистон!» кантатаси, «Пўлат ва Гулрў» операси тожик совет музика санъатида катта воқеа бўлди. «Пўлат ва Гулрў» операси 1957 йили Москвада ўтказилган Тожикистон ССР адабиёти ва санъати декадаси кунлари Большой театр саҳнасида намойиш этилди ва юксак баҳо олди. «Менинг республикам» қўшиқлари, «Партияга қасида», «Мавзолейга йўл» вокал-симфоник поэмалари учун эса бастакор Рудакий номидаги Тожикистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлган.

Туғилган кунига 50 йил тўлган шу кунларда Шарофиддин Сайфиддинов ўзи таҳсил кўрган билим даргоҳида меҳмон бўлди. Таниқли бастакор билан ўтказилган учрашув кечасида унинг асарларидан намуналар ижро этилди. Айниқса, «Рудакий» ва «Айний» операларидан ижро этилган вокал фрагментлар барчага манзур бўлди. СССР халқ артисти Аҳмад Бобоқулов ижро этган монолог-ария ва «Ушшоқ» («Рудакий» операсидан) буюк шоир образини тингловчилар кўз ўнгида жонли гавдалантирди.

Мана, оҳанрабо қуйнинг энгроқ садолари зал бўйлаб таралмоқда. Бу наво кишини тўлқинлантириб юборади, кўнгилда эзгу ниятлар, яратиш иштиёқи туғдиради. Бу тарона халқларнинг, кўнгилларнинг ҳамдамлиги, дўстлик, биродарлик тўғрисидадир. Бундай сермазмун куйларни яратиш бахти бепоён мамлакатимизни чин дилдан севган чинакам истеъдодли бастакорларгагина насиб этади.

Г. КУЗНЕЦОВА.

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Самарқанд опера ва балет театри ўзининг янги —16-мавсумини М. Ашрафийнинг «Дилором» операси премьераси билан бошлади. Опера санъат ихлосмандларида яхши таассурот қолдирди.

Театр коллективи Даргомижскийнинг «Русалка», болаларга мўлжалланган «Мушук уйи» опералари ва швед адибаси А. Линдгрен асари асосида «Гўдак ва Карлсон» балетини томошабинлар ҳукмига ҳавола этиш мақсадида ҳам иш олиб борялти.

В. ЖУРАВСКИЙ.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

САНОАТ

ИККИ БЕШ ЙИЛЛИКДАН ЎЗИБ

Наманган аврли шойи-газламалар комбинатининг илғор тўқувчиси Олимжон Дадабоев икки беш йиллик планини муваффақиятли бажарганлиги ҳақида рапорт берди. О. Дадабоев пландаги 123 минг 974 метр ўрнига 124 минг 78 метр бекасам тўқишга муваффақ бўлди. У смена нормасини ўртача 190—210 процентдан бажармоқда.

Бу улкан муваффақиятга у илғорларнинг тажрибасини пухта ўрганиш, иш вақтидан самарали фойдаланиш туфайли эришди. О. Дадабоев нормадаги икки ўрнига бешта тўқув дастгоҳига хизмат кўрсатмоқда. Шу тарица у ҳар куни пландагидан 70-85 метр газлама кўп ишлаб чиқаришга муваффақ бўлаётир.

М. ҒАФФОРОВ.

МАИШИЙ ХИЗМАТ

КЎЧМА УСТАХОНА

Усмон Юсупов район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати қошида кўчма устахона ишлай бошлади. Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг тўртинчи йилида 60 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этиш йўлида меҳнат қилаётган чўлқуварлар кўчма устахонанинг тикувчилик, сартарошлик, этикдўзлик ва соатсозлик хизматларидан баҳраманд бўлаётирлар.

Н. ТОҒАЕВ.

ҚУРИЛИШ

ҚУЛАЙЛИКЛАР

Бувайда районида кейинги икки йил ичида меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш юзасидан бирмунча қулайликлар яратилди. «Шарқ юлдузи» колхози қишлоқларини артезиан сув билан таъминлаш мақсадида ўн километрли қувур ётқизилди.

Район марказида қисқа муддатда 50 ўринли меҳмонхона, пионерлар уйи, музика мактаби қуриб, фойдаланишга топширилди. Кунига 18 тонна сут қабул қилиб олиб, ёғини ажратадиган замонавий ускуналар билан жиҳозланган пункт ишга туширилди.

Марказий Фарғонанинг «Тешиктепа» массивидаги янги ташкил этилган Дзержинский номли совхозда эса эллик точкали автомат телефон станцияси қурилди.

Қ. ТУРСУНОВ.

ТАНҚИД

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИКНИНГ ЧЕКИ БОРМИ?

Шу йилнинг 28 майида химчистка ходимлари келиб, буюртмалар қабул қилишди. Мен ҳам қишки 158 сўмлик пальтомни топширдим. Шофёр Озод Шарипов буюртмаларимиз бир ҳафта ичида қўлимизга тегишини айтди. Лекин тўрт ҳафта ўтиб кетди, химчистка машинасидан дарак бўлмади. Июнь ойининг охирларида химчистка фабрикасига бордик. У ерда бизга пальто топилмаётгани, шолча эса номерланмагани учун уч кун сабр қилишимизни айтишди.

21 июль куни эса директорга учрадим. Воқеани тушунтирдим. Директор Акбар Турсунов бир ҳафтадан кейин яна келишимни айтди. Ҳафта ўтгач, пальтонгиз йўқ, деган жавоб олдим. 23 августда шофёр О. Шариповникига бордик. Оиласи билан гаплашдик. 20 кундан буён Тошкентда командировкада экан. Яна фабрикага бориб, директор Ўринбосари С. Абдуллаевга учрадик. Бир кун аввал директор телефонда пальтонгиз топилди, химчисткадан олиб кетинг деган эди. Унга ана шу гапни эслатдим. У хайрон бўлиб, директорга пальто ҳали топилгани йўқ-ку, деди. Шунда директор мен адашиб кетибман, деб трубкани қўйиб қўйди...

Хуллас, орадан тўрт ой ўтди. Бироқ, буюртмадан дарак йўқ. Бу орада фабрикага боравериб, қанча вақтим бекорга кетди. Фабрика раҳбарларининг масъулиятсизлигига ким чек қўяркин?

М. ШЕРНАЗАРОВА.
Қўқон шаҳри.

* * *

Шунингдек, тошкентлик М. Расулова, А. Бурҳонов, Ҳ. Камолов, Қ. Норинбоев, андижонлик И. Ҳўнчоқов, О. Олимжонов, С. Исроилов, бухоролик С. Ҳайитов, Ж. Қодиров, Т. Мақсудов, А. Мирзаҳамдамов, фарғоналик А. Мадраҳимов, К. Комилова, Р. Толипов, О. Акбарова, самарқандлик Р. Сафоева ва бошқалар редакциямизга турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

САНЪАТ

«ОЛТИН КУЗ» МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

Тошкентдаги Билимлар уйида ҳаваскорлик фильмларининг «Олтин куз» фестивали ниҳоясига етди. Тошкент область касаба союзлари Совети ва Тошкент киноҳаваскорлар клуби томонидан уюштирилган бу ижодий кўрик мукофоти Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати «Сплав» киностудиясининг «Городки ўйновчилар», Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси «Сириус» студиясининг «Нон ҳақида суҳбатлашамиз», Чирчиқдаги химиклар Маданият саройи студиясининг «Биз циркни севамиз», «Ташсельмаш» заводи киноҳаваскорларининг «Шахмат, шахмат...» фильмларига берилди.

«Городки ўйновчилар» фильмининг ижодкорлари 1980 йилда бўладиган Олимпиадада қатнашиш учун бепул путёвкага сазовор бўлдилр.

З. ШАҲОБИДДИНОВ.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА

«Тиб қонуни»нинг қайтиши

Абу Али ибн Сино «Ал-қонуни фит-тиб» китоби иккинчи нашрининг биринчи томи «Фан» нашриётида босилиб чиқди. У одам аъзоси касалликлари ва уларни даволаш усуллари тўғрисида ёзилган китобнинг биринчи қисмини ўз ичига олган.

Ўрта аср шарқининг энциклопедист олимининг асосий медицина асари 1980 йилда олим туғилган кунга 1000 йил тўлиши муносабати билан рус ва ўзбек тилларида қайта нашр этилмоқда. «Қонун»нинг 6 томлик қайта нашрини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шарқшунослари медик олимлар билан ҳамкорликда тайёрладилар.

(ЎзТАГ).

Бедор тунлар

Терговчи хонасида

Жиноят қўзғатилган 116-иш юзасидан тушган маълумотлар, ариза ва гувоҳликлар папкаси ҳамон тўлиб борарди. Бу каби ҳужжатларни катта терговчилик тажрибаси бўлган Салоҳиддин қанчадан-қанчасини варақлаб, кўриб чиқмади, дейсиз. «Давлат мулкига кўз олайтириб қўлга тушганлар бола-чақасини, ўзининг келажагини ўйламасмикан? — дея ҳаёлидан ўтказарди у. Қанчадан-қанча пулларнинг яна давлат кассасига қайтарилганидан қувонмай бўладими. Терговчи делодаги қоғозларни такрор-такрор кўздан кечира бошлади.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги қошидаги идоралараро молия контроли бошқармасининг ревизори Абдулла Қаюмов 1977 йилнинг сентябрь ойида министрлик ҳузуридаги лойиҳалаштириш идорасининг молия ва хўжалик ишларини тафтиш қилиш учун юборилди.

— Ревизор нима учун бир кун ишлагандан сўнг бошқа идорага ўтказиб юборилди? Унинг ўрнига нима сабабдан Ҳикматилла Абдужабборов келиб иш бошлади? — дея ўйлади терговчи.

Кейин маълум бўлишича, ҳужжатларни текширишга қаттиқ киришган ревизорнинг «фаолияти» бошлиқларга ёқмабди.

Ревизияни идоралараро молия конторси бошқармасининг бошлиги Али Зариповнинг ўзи давом эттиришга киришган. Молия ишларидаги йўл қўйилган айрим камчиликларни кўрсатиб ўтган бошлиқ ундаги асосий жиноятлар тўғрисида огоҳ очмади. Излар йўқолдими, йўқ.

Яна кўрсатма. Тафтишни республика Молия министрлиги контроль ревизия бошқармаси ревизорлари Р. Исаметов билан Л. Саиджалоловалар давом эттиришга юборилди. Улар икки йил мобайнида молия ишидаги қатор камчиликлардан ташқари фақат маошнинг ўзидан 21313 сўм 24 тийин пул ўғирланлигини аниқлаб, акт тузишди. Унда бошлиқ томонидан тафтиш ўтказилган вақтнинг ўзидаёқ содир бўлган ўғирлик — 8488 сўм 70 тийин ҳам аниқланганлиги қайд этилди.

Узоқ вақт давомида ўтказилган тергов даврида сир очилди. Бош бухгалтер Рабиға Шокирова билан кассир Хайри Солиевалар ўзларининг жиноятлари очилишидан қўрқиб айёрлик қилишди. Бошлиқлари Теримур Бекбўтаев орқали давлат кассасидан икки минг сўм нақд пул олишиб, дастлаб тафтиш ўтказган кишига узаттиришиб, унинг огзини мойлаб қўйишди. Шундан сўнг иш ўз-ўзидан бости-бости қилиб юборилди.

— Нима қилиш керак? Ишни қайта бошлашга тўғри келади, — узоқ ўйланиб қолди терговчи. Бундай жумбоқли ишларни очиш устаси, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг алоҳида ва муҳим ишлар бўйича катта терговчиси, милиция майори Салоҳиддин Алоҳиддинов тергов муддатини узайтириб беришларини сўраб, бошлиқларга мурожаат қилди.

Хўш, шунча пул қандай қилиб ўзлаштириб юборилди, унинг изи қай тарица йўқотилди? Кўп изланишлар, тафтишлар, сўроқлар— бедор туну кунлар натижасида жумбоқ ечилди. Жиноят ва жиноятчилар аниқланди.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги қошидаги лойиҳалаштириш идорасининг бошлиғи Темур Бекбўтаев бош бухгалтер Р. Шокирова билан кассир Х. Солиевалар ўзаро тил бириктириб, шахсий бойлик орттириш куйига тушадилар. Бу қалбаки ишлар бир неча йил мобайнида давом этиб келади. Негаки, ойлик маошлар учун тузилган ведомостлар рўйхати ва унга қўйилган сўнгги «чизиқ»лар буни яққол исботлаб турибди.

Мана шундай қалбаки ҳужжатлардан айримлари: 1977 йил мобайнида 123 та ва ўтган йили 69 та ведомостнинг ҳаммасида тўланган ойлик маош пуллари олдига қайтадан бир ва икки рақамлари киритилиб, кўпайтириб қўйилаверган. Натижада Т. Бекбўтаев давлатнинг 10606 сўм 62 тийинини, Р. Шокирова билан Х. Солиеваларнинг ҳар бири 5303 сўм 31 тийиндан пулни ўғирлашиб, ўзлаштириб юборишган.

Далиллар тўпланди, қайта-қайта текширишлардан, ўтказилди, гувоҳлар билан яккама-якка суҳбатлар ўтказилди, ниҳоят тасдиқ этилган ҳужжатлар Тошкент шаҳар судига оширилди.

Мана, қора курсида уч киши давлат мулкини талонторож қилиб, ор-номусга чидай олмасдан дўст-биродарларининг юзига қарашдан уялишиб, ер чизиб ўтиришибди. Халқ суди Т. Бекбўтаевни 10 йил, Р. Шокировани 7 йил, Х. Солиевани 6 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиб, ҳар учаласининг мол-мулкини мусодара этиш юзасидан ҳукм чиқарди.

Э. ҚАЛДОНБОЕВ,
милиция майори.

Т. УНАБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҲАР ТЎҒРИДА

ҚИРҒОВУЛ ИНКУБАТОРИ

Қозогистон ва Ўрта Осиё республикаларида йўқолиб бораётган паррандаларни кўпайтиришга Олмаотада қурилган қирғовул инкубатори ёрдам беради. Бу қирғовул инкубатори мамлакатдаги йирик инкубаторлардан бўлиб, унинг цехлари, жўжа боқиладиган майдонлари, лабораториялари ва бошқа қурилишлари хушманзара жойдаги 120 гектар ерни эгаллайди. Қўриқхона ва буюртмачилар учун бу ерда ҳар йили 20 мингтагача паррандa етиштириб берилади.

Республика олимлари «СССРнинг Қизил дафтари»га ёзилган турли паррандаларни сақлашни кўзда тутувчи ишлар бош схемасини тузиб бердилар.

ДАВЛАТ МУҲОФАЗАСИГА ОЛИНДИ

Индонезия ҳукумати ҳайвонот оламини тўла сақлаб қолиш мақсадида мамлакат территориясида жониворларнинг 18 хилини овлашни тақиқлаб қўйди. Булар орасида кенгуру, жайра, кускус каби ноёб ҳайвонлар бор.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

10 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

СССР биринчилиги учун Олий лиганинг АСК (Ростов-Дон) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқитувчилар, катта ўқитувчилар, доцентлар: КПСС тарихи ва сиёсий иқтисод (КПСС тарихи ва сиёсий иқтисод бўйича), рус адабиёти;

ўқитувчилар, катта ўқитувчилар: фалсафа ва илмий коммунизм (фалсафа бўйича), қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа миллий мактабларда рус тили пропедевтикаси, ҳозирги замон рус тили фонетикаси, рус тили тарихи ва диалектологияси, рус адабиёти пропедевтикаси, совет адабиёти, чет тиллари, жисмоний тарбия ва спорт.

Конкурс муддати — 13 октябрга.

Адрес: 700110, Тошкент шаҳри, Литературная кўчаси, 4-уй.

ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН КРЕДИТГА ФОЙДАЛАНАДИГАН ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

1 ИЮЛДАН ТЕЛЕФОНДА КРЕДИТГА ГАПЛАШГАНЛИК УЧУН ҲАҚНИ ЎЗ МУДДАТИДА ТЎЛАМАГАНЛАРДАН ПЕНИЯ ОЛИШ ТЎХТАТИЛИБ, ЎЗИБ ҚЎЙИЛГАН ТЕЛЕФОННИ ҚАЙТА УЛАШ УЧУН 2 СЎМ ҲАҚ ОЛИШ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ.

Телефонларни улаш пул тўланган кундан бошлаб 5 кун ичида амалга оширилади.

Республика шаҳарлараро телефон станцияси шаҳарлараро телефонда гаплашганлиги учун ҳақни ўз вақтида тўлаш лозимлигини эслатиб ўтади.

Шаҳарлараро телефонда сўзлашганлик учун тўланган сумма учун берилган квитанциялар 3 йил сақланиши лозим.

Справкалар олиш учун адрес: Тошкент шаҳри-129, Навоий кўчаси, 26-уй.

Шаҳарлараро телефон станциясининг ҳисоб-китоб группаси якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача ишлайди. Телефонлар: 44-33-34, 44-32-24, 44-56-04.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — СОВЕТ ЦИРКИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЮБИЛЕЙ ПРОГРАММАЛАРИ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ПОЛИМЕРЛАР ХИМИЯСИ БЎЛИМИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: юқори молекулали бирикмалар химияси (2 ўрин, фан кандидатлари);

стажер тадқиқотчи: юқори молекулали бирикмалар химияси.

КОНКУРС МУДДАТИ—ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 74-уй.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» транспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг 9-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА МАЗ-503, КРАЗ-256 автомобилларининг 1, 2, 3-класс ҳайдовчилари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай. Елғизлар ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Бектемир шаҳри, Лихачев кўчаси, 2-уй.

Тошкент Давлат маданият институти ректорати ва жамоат ташкилотлари маданий-оқартув ишлари кафедрасининг доценти Ғ. Ғофурова отаси

Очилхон ҒОФУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг «Узглавзаготживпром»и коллективи Жиззах областидаги «Ударник» совхозининг директори Л. Х. Алиевага ўғли

ДИЛОВОРнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Театр жамияти ва Театр жамиятининг ишлаб чиқариш комбинати коллективлари шу комбинатнинг фотомухбири К. Г. Ромеевга онаси

Галима Муҳаматгалиевна РОМЕЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Ўқувчиларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. И. Батура билан учрашуви. 10.45 — Сабина. Бадиий фильм. 12.00 — Концерт. 12.25 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 15.50 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 16.20 — Ешлар учун музикали кечалар. 18.05 — Ешлар адреслари. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Балет артистларининг концерти. 20.30 Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» китоби асосида кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм. 21.30 — Время. 22.05— Микола Бажан туғилган кунининг 75 йиллигига. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ҳужжатли фильмлар. 12.00 — Менинг тақдирим. Бадиий фильм. 1-серия. 17.35 — Нурафшон давра. 18.20 — Алкоголизм ҳақида суҳбатлар. 18.50 — Фан — ишлаб чиқаришга. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Концерт. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Тикланиш» китоби асосида кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Менинг тақдирим. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

18.40 — Мактаб спектакли, бадиий фильм. 20.05 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 20.35 — Янгиликлар. 20.55 — Бадиий ўқиш.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА — 6.30 — Область театрлари артистларининг концерти. 9.30 — Замонавий халқ қўшиқлари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Партия планлари — ҳаётга. 13.30 — Эстрада концерти. 14.00 — Оққўрғон пахта далаларида. 18.50 — Ешлик 19.45 — Рубобда Т. Ражабов чалади. 20.25 — Экран куйлари. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Шеърият кечаси. 21.30 — Пахтакорлар учун концерт. 22.28 — Халқ талантларининг концерти. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02205. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 232. 7